ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№74-76 (1027-1029)
2026 йил 28 август, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги

барчамизга муборак бўлсин!







Истиқлол имкониятлари:

қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳам улкан ютуқларга йўл очмоқда

Мустақиллик – ҳар бир инсон, ҳар бир халқ, ҳар бир давлат учун энг қадрли неъмат ҳисобланади. Уни қадрлаш ва асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Мустақиллик бу – ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, аждодларга ҳурмат, келажакка ишонч деганидир.
Мустақиллик – бугунги фаровон кунларимиз, осуда тунларимиз сабабчисидир.

Шерзод ХИДОЯТОВ,
Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири.



Истиқлол имкониятлари юртимиз қурилиш ва бунёдкорлик тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётганини бугун Янги Ўзбекистонда қад ростлаётган иншоотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бугун нафақат аждодларимиз барпо этган, неча юз йиллардан буён асл ҳолатини йўқотмай келаётган қадимий иморатлар, балки сўнгги йилларда қўли гул бунёдкорлар, маҳоратли лойиҳачи ва қурувчилар томонидан барпо этилаётган муҳташам бинолар, замонавий уй-жойлар ва кўркам шаҳарчалар билан ҳам фахрлансак, арзийди.

Бугун қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар, олиб борилаётган ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар – соҳа фидойиларининг энг улуғ ва энг азиз байрам – мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига муносиб туҳфадир.

Архитектура ва шаҳарсозлик

Бугунги кунда республикамиздаги 119 та шаҳар, 316 та шаҳарча ва 1 910 та қишлоқ шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминланди. Давлат шаҳарсозлик геоахборот тизимига (https://dshk.shaffofqurilish.uz/) 2 154 та шаҳарсозлик ҳужжати (407 шаҳар ва шаҳарча бош режалари, 16 та батафсил режалаштириш лойиҳалари, 595 та қишлоқни ривожлантириш схемалари, 198 та бош режалар бўйича ишлаб чиқилган функционал зоналар, 514 та ҳудудларни архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштириш лойиҳалари бўйича қилинган функционал зоналар, 155 та қизил чизиқлар, 269 та геологик районлаштириш схемалари) киритилди.

Шунингдек, аҳоли пунктларининг 882 та ҳудудини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ГАТ форматида “Тошкент шаҳри” мисолида рақамлаштирилиб, (https://gisweb.mc.uz/portal/) порталга киритилди. Қурилиш соҳасидаги 24 та давлат хизмати рақамлаштирилиб, 22 та вазирлик ва идоранинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар жадаллик билан давом этмоқда. Хусусан, 2026 йилда Тасдиқланган дастур (ПҚ-299) доирасида жами 154 та, жумладан, 6 та шаҳар ва 44 та шаҳарчанинг бош режалари ҳамда 104 та қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктини ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари асосида жами 19 та шаҳар ва шаҳарчанинг бош режа лойиҳаларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, корректура лойиҳалари ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган. 2026 йил Дастури амалга оширилгач, республикадаги жами 1 187 та шаҳар ва шаҳарчанинг 505 таси ҳамда 7 417 та МФЙнинг 2 118 таси қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш схемалари, шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминланишига эришилади.

Уй-жой қуриш дастурлари

Сўнгги 9 йил давомида мамлакатимизда 210 миллион квадрат метрдан ортиқ бино ва иншоотлар барпо этилди.

Шу даврда, 647 минг хонадонни ўз ичига олган 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, 2025 йилда 135 минг хонадонли уй-жойлар барпо этилди. 2026 йилда эса 140 минг хонадонли уй-жойлар қурилмоқда.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш

2017–2025 йилларда Инвестиция дастури доирасида Республика бўйича жами 9 850 та ижтимоий соҳа ва 2 179 та муҳандислик-коммуникация объекти қурилди. Мавжудлари реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Хусусан, 8 302 та таълим объекти (шундан, 264 та олий ўқув юртлари, 4 949 та мактаб, 3 029 та боғча, 14 та ихтисослашган мактаб, 46 та илм-фан ва инновация объектлари), 1 768 та тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар, 195 та жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, 128 та маданият ва санъат объектлари шулар жумласидандир. Шу билан бирга, 2 023 та сув таъминоти ва канализация объектлари, 156 та иссиқлик таъминоти объектлари қурилди.

2026 йил Инвестиция дастури доирасида 799 та таълим объектлари (92 та олий ўқув юртлари, 491 та мактаб, 17 та ихтисослашган мактаб, 196 та боғча, 3 та илм-фан ва инновация объектлари), 342 та тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар, 17 та жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, 28 та маданият ва санъат, 144 та сув таъминоти ва канализация, 70 та иссиқлик таъминоти объектлари қурилмоқда.

2 →

Ватанимиз шонли тарихидаги энг ёрқин саҳифа

Аввало, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллик байрами билан Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлар кенгаши номидан чин қалбимдан табриклайман!

Козим ТУЛЯГАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлар кенгаши раиси.



Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуғ ва муқаддас бўлган бу байрам шукуҳи оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади. Халқимизнинг беқиёс жасорати ва матонати билан 1991 йил давлат мустақиллиги қабул қилинганлиги неча йиллар истиқлол орзуси билан яшаган инсонлар учун бир умр оламшумул воқеа бўлиб қолади.

Президентимизнинг 2026 йил 1 апрелда қабул қилинган қарорига кўра, “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган бош ғоя сифатида белгиланди.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Сўнгги 35 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти босқичма-босқич ривожланиб, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий тизим шаклланди. Бугунги кунда замонавий саноат тармоқлари ташкил этилди, юзлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланди. Рақамли иқтисодиёт, электрон давлат хизматлари ва инновацион технологиялар жадал ривожланмоқда, хорижий инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Натижада юз минглаб янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг даромад манбалари кенгайди.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва турар-жойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Бугунги кунда 30 мингга яқин қурилиш объектида қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу эса халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Айни вақтда бизни Мустақиллик байрами билан қутлаётган барча узоқ-яқин давлатларнинг халқларига, чет эллик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар, хамкасблар! Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлсин, яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

№74-76 (1027-1029) 2026 йил 28 август, жума
O‘zbekiston bunyodkori ● Строитель Узбекистана

Истиқлол имкониятлари:

қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳам улкан ютуқларга йўл очмоқда



“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан “Шаффоф қурилиш” МАТ негизида қуйидаги ахборот тизимлари ишга туширилди:

1. “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (dshk.uz).
2. “Мақсадли дастурлар мониторинги” ахборот тизими (monitoring.mc.uz).
3. Қурилиш соҳасида “Рейтинг” электрон платформаси (reyting.mc.uz).
4. Қурилиш соҳасида “Тендер” электрон платформалари (tender.mc.uz).
5. “Қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш” электрон платформаси (dx.mc.uz).
6. “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” автоматлашган ахборот тизими (new-ekspertiza.mc.uz).
7. “Қурилишда давлат назорати” ахборот тизими (nazorat.mc.uz).
8. “Улуш киритиш асосида уй-жой қурилиш” ахборот тизими (rd.mc.uz).
9. “Шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари мутахассисларини сертификатлаш” тизими (sert.mc.uz).
10. “Менинг уйим” автоматлаштирилган биллинг ахборот тизими (meninguyim.mjko.uz).
11. “Менинг ҳудудим” электрон ахборот тизими (mening-hududim.mc.uz).
12. “Иссиқлик биллинг тизими” (hotwater.kommunal.uz).
13. Қурилиш объектларининг очиқ маълумотлар портали (open-data.mc.uz).
14. “Кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати” (turarjoy.kommunal.uz).
15. Қурилиш соҳасида лицензияга эга корхона ва ташкилотлар реестри (lic.mc.uz).
16. Лойиҳа офиси электрон тизими (lo.mc.uz).
17. Кўп квартирали уйни бошқарувчи органлар реестри (reestr.kommunal.uz).
18. Ўзбошимчалик билан ва ноқонуний қурилган объектларни бартараф қилиш (dan.mc.uz).
19. “Улушли қурилиш” (ЭСКРОУ) ахборот тизими (uy.shaffofqurilish.uz).
20. “Хавфсиз лифт” электрон платформаси (lift.mc.uz).
21. “Бино ва иншоотларнинг энергия аудити” электрон платформаси (energo-audit.uz).
22. “Огоҳ фуқаро” платформаси (ogohfuqaro.mc.uz).
23. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими (xtq.shaffofqurilish.uz).
24. “Лойиҳалаш топшириғи” электрон тизими (lt.mc.uz).

Қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари

Республика бўйича 2016 йилда 2,3 мингта қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилоти реестрга киритилган. 2021 йилда қурилиш-пудрат ва лойиҳа-қидирув ташкилотларини баҳолаш тизими тўлиқ янгиланиб, реал ишчи-ходимлар ва махсус қурилиш техникалари ҳисобга олинадиган платформа ишга туширилди (reyting.mc.uz). Бугунги кунда 4 та йўналиш бўйича қурилиш-пудрат ва лойиҳа-қидирув ташкилотларини баҳолаш тизими жорий этилган.

2026 йилнинг август ойи ҳолатига ушбу тизимда 35 185 та қурилиш-пудрат ва 1 989 та лойиҳа ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда 641 178 нафар ишчи ва 47 244 та техника рўйхатга олинган.

Қурилиш соҳасида тендер савдолари

Қурилишга оид давлат харидларини автоматик ва шаффоф тарзда ташкил этиш мақсадида “Тендер” электрон платформаси жорий этилган (tender.mc.uz).

Платформа 2021 йилда ишга туширилган бўлиб, бугунга қадар 45 191 та тендер ўтказилган. Уларда 230 965 та ташкилот иштирок этган. Ўтказилган тендерлар натижасида жами 91,54 триллион сўмлик шартнома тузилиб, 4,76 триллион сўм тежалган.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси

Анъанавий қоғозбозлик ўрнига барча ҳужжатлар электрон форматда кўриб чиқиладиган ва сақланадиган платформа ишга туширилди (new-ekspertiza.mc.uz).

Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси электрон платформасида 2026 йилда 19 280 та аризалар келиб тушган ҳамда мазкур аризаларга 16 635 та ижобий хулоса берилган. Экспертиза кўригидан сўнг сметадан иқтисод қилинган маблағ 6 трлн сўмни ташкил этмоқда.

Кадрлар малакасини ошириш ва сертификатлаш

2023 йил 1 октябрдан бошлаб сейсмик хавфсизлиги II, III ва IV тоифадаги бино ва иншоотларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва назорат функцияларини амалга ошириш йўналишларида фаолият юритувчи мутахассисларни ҳар уч йилда бир марта сертификатлаш тартиби жорий этилди.

Бугунга қадар шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш ва сертификатлаш тизими бўйича ўқув курсларида жами 18 167 нафар мутахассис ўқитилди.

Булар:

– 4 247 нафар техник назоратни олиб борувчи;

– 3 919 нафар пудрат ташкилотларининг ички назоратини амалга оширувчи;

– 1 838 нафар лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб борувчи;

– 1 916 нафар лойиҳа бош муҳандиси;

– 953 нафар лойиҳа бош архитектори;

– 635 нафар эксперт ташкилотлари эксперти;

– 1 542 нафар кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбарлари,

– 556 нафар назорат ўлчовини амалга оширувчи мутахассислар;

– 804 нафар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари инспекторлари;

– 273 нафар архитектура ва қурилиш бошқаруви соҳасида вилоят, шаҳар ва туман бош архитекторлар.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариш

Сўнгги 8 йилда аҳолини ичимлик сувидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш учун қарийб 20 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар эвазига 36 минг километрдан ортиқ ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилиб, 3,5 мингтадан ортиқ иншоот қурилди. Натижада, республикамиз аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 63 фоиздан 82,8 фоизга етказилиб, 5,6 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди ва 13,9 млн нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, қиймати 579 миллиард сўм бўлган “Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш” лойиҳаси доирасида Жиззах вилоятининг 7 та туманида 600 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланиб, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 62 фоиздан 76 фоизга етказилди.

2026 йилда барча дастурлар доирасида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш учун давлат бюджетидан ажратилган 2,1 триллион сўм маблағ ҳисобидан 181 та объектда 1 725,2 километр тармоқ ва 149 та иншоот қурилмоқда. Жорий йилда 10 та халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган 23 та лойиҳа доирасида 500 млн доллари миқдоридаги кредит маблағларни ўзлаштириш мақсад қилинган.

Юқоридаги ишларни тизимли ва сифатли амалга оширган ҳолда 2026 йил якунига қадар аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 83,5 фоизга етказишга эришилади.Давлат ижтимоий буюртмалари асосида 2024-2025 йилда 9 та МФЙдаги 40 минг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун 231,1 километр ичимлик суви тармоқлари тортилди ва 14 та иншоотда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, барпо этилган тизимларни эксплуатация қилувчи 9 та нодавлат-нотижорат ташкилотлар ташкил этилди. 2026 йилда ҳам ушбу тадбирлар давом эттирилиб, марказлашган ичимлик суви таъминоти етиб бормаган 13 та маҳаллаларда яшовчи 45 минг нафар аҳолини давлат ижтимоий буюртмаси асосида ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган.

Хулоса сифатида айтганда, юқоридаги барча ишларни сифатли амалга ошириш орқали юртимизни кўркам ва замонавий қиёфага киритиш ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашни мақсад қилганмиз.

1

Иссиқлик таъминоти тизимидаги ислоҳотлар

Ҳозирги кунда республикамизда жами 1,6 миллиондан ортиқ хонадонли 45,6 мингдан зиёд кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг 37 фоизи марказлашган иссиқлик тизими билан таъминланган. Соҳада 7 310 нафар мутахассис меҳнат қилмоқда. Сўнгги 9 йилда 211 та йирик лойиҳа доирасида 187 та қозонхона ва 1 467 километр иссиқлик тармоқларида капитал таъмир, модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада, 258,7 минг хонадонли 7,8 мингдан зиёд кўп қаватли уйлар ва 787 та ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликда 158,1 миллион долларлик лойиҳа доирасида Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Чирчиқ шаҳарларида 4 та йирик қозонхона ва 90 километр тармоқ ишга туширилди. 2026 йил Инфратузилмани ривожлантириш дастури доирасида 65 миллиард сўм жалб этилиб, 25 та қозонхона ва 302 километр тармоқ янгиланмоқда. Жорий йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик учун эса 90 миллиард сўм ҳисобидан 41 та қозон ва 25,8 километр тармоқ мукаммал таъмирланмоқда.

Булардан ташқари, энергиятежамкор ускуналарга 70 миллиард сўм йўналтирилиб, 288 та ақлли ҳисоблагич, 114 индивидуал иссиқлик пункти (ИИП) ва 1 241 кВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатилмоқда.

Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш

Бугунги кунда республикадаги 1,6 миллиондан ортиқ хонадонли 45,6 мингдан зиёд кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, шундан 42 143 та уй 1 046 та бошқарувчи ташкилот, 718 та уй 175 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва 599 та уй бевосита мулкдорлар бошқарувида. Қолган 2 721 та уй идора ва ташкилотлар тасарруфида.

Маълумот учун: 2017 йилда 36 870 та уй мавжуд бўлиб, бугунги кунда уйлар сони 24 фоизга ошган. 2017–2026 йиллар давомида, давлат дастурлари, маҳаллий бюджет, ҳомийлик ва бошқариш органлари маблағлари ҳисобидан ҳудудлардаги 53 420 та кўп квартирали уй иш турларига кўра мукаммал ва жорий таъмирланди. Жумладан, 24 910 та уйнинг 14,0 минг метр квадрат том қисми, 30 850 та уйнинг фасад қисми, 25 100 та уйнинг ертўла ва ички муҳандислик қувурлари, 63 670 та кириш йўлаклари таъмирланиб, 15,0 минг м² фрамуга ромлар ва 38 200 дона темир эшиклар ўрнатилди.

Шунингдек, 1 620 та уйнинг 2,1 миллион метр квадрат фасад қисми базальт билан қопланиб, уйларнинг кириш йўлакларига 140 мингдан ортиқ энергиятежамкор ёритиш чироқлари ўрнатилди. Ўтган йиллар давомида давлат дастурлари, маҳаллий бюджет, ҳомийлик ва бошқариш органлари маблағлари ҳисобидан ҳудудлардаги кўп қаватли уйларнинг туташ ер участкаларига 3 180 та болалар майдончаси, 92 минг п/м ирригация тармоқлари, 1,6 минг метр квадрат бетон йўлаклар, 390 та умумий ҳожатхона қурилиб, 15 100 дона ташқи тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 3 274 та лифт ускунаси янгиланиб, 71 таси таъмирланди.

2026 йилда бошқарув ташкилотларининг 242 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 6 686 та кўп қаватли уйни куз-қиш мавсумига тайёрлаш доирасида жорий таъмирланмоқда (ҳисобот даврида 5 737 та уйлар таъмирланди). Шундан, 1 039 та уй томи, 5 365 та кириш йўлаклари, 767 та уй ертўласидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари, 544 та уй фасади таъмирланди ҳамда 5 минг метр квадрат фрамуга ойна ромлари, 1 336 та кодли қулфли темир эшиклар ўрнатилди.

Жорий йилда 520,8 миллард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларига инфратузилма объектлари қурилмоқда. Айни вақтда таъмирталаб ҳолатдаги 2 328 та лифт ускунаси таъмирланиб, янгиланмоқда.

Норматив ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш

2022–2025 йилларда Корея тажрибаси асосида 256 та ШНҚ (шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари) модернизация қилинди. 30 нафар мутахассис 2022–2024 йилларда Корея Республикасида шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича малака ошириб, тажриба алмашди. 120 дан ортиқ ШНҚ 2022 йилдан ҳозирги кунга қадар ўзбекистонлик ва кореялик экспертлар иштирокида биргаликда ўрганиб чиқилиб, модернизация бўйича таклифлар тайёрланди.

229 та миллий стандарт ишлаб чиқилди.

2026 йилда 17 та ШНҚ, 7 та МҚН, 196 та халқаро стандартлар, Еврокодларнинг 13 та қисми, 15 та смета-ресурс нормалари ишлаб чиқилмоқда.

Меҳнат қадр топган юртда тараққиёт бардавом









Айни кунларда юртимизнинг қай ҳудудига борманг, Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан кўтаринки кайфият, байрамона шукроналик ва янгиланиш руҳи ҳукм сураётганини ҳис қилиш мумкин. Мустақиллик – шунчаки сана ёки тантана эмас. У ҳар бир фуқаронинг меҳнати, орзуси, ташаббуси ва мамлакат равнақи йўлида қўшаётган ҳиссасида намоён бўлади. Шу маънода байрам арафасида муносиб меҳнат соҳибларининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳам мустақиллик қадр-қимматини англатувчи муҳим воқеадир.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан соҳа ходимларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент фармонига мувофиқ таъсис этилган “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони соҳада фидокорона меҳнат қилиб келаётган 70 нафардан ортиқ ходимга тантанали равишда топширилди.

Тадбир аввалида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятов сўзга чиқиб, соҳа вакилларини улуғ айём билан самимий муборакбод этди.

– Бу мукофот, аввало, сизларнинг мамлакатимиз тараққиётига, бунёдкорлик ишларига қўшаётган ҳиссангизга берилган юксак эътироф, деб биламан, – деди Шерзод Хидоятов. – Сизларнинг тажрибангиз, масъулиятингиз ва касбингизга бўлган садоқатингиз соҳанинг бугунги тараққиёти учун жуда муҳим. Ишончим комилки, бундан кейин ҳам биргаликда юртимизнинг янада чиройли, замонавий ва фаровон қиёфасини яратишга муносиб ҳисса қўшамиз.

Ушбу эзгу анъана тизимдаги қатор ташкилотларда ҳам давом этди. Жумладан, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” давлат муассасаси, “Qishloqqurilishloyiha” давлат муассасаси ва бошқа тизим ташкилотларида ҳам меҳнатда ўрнак кўрсатаётган ходимларга ҳам эсдалик нишонлари тантанали равишда топширилди. Мукофотланганлар орасида “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ бош директори Дилшод Жалоловнинг борлиги қувонарлидир.

Ҳудудларда ҳам мустақиллик тантаналари кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда. Жумладан, Хоразм вилоятида 130 нафар қурилиш соҳаси вакиллари вилоят ҳокими ўринбосари Сирож Бекчанов томонидан “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди. Бу ҳолат яна бир бор мустақиллик неъматларининг қадр-қиммати, энг аввало, инсон қадрини улуғлаш ва унинг меҳнатига муносиб баҳо бериш билан белгиланишини кўрсатади. Зеро, қадр топган меҳнат инсонга янги куч-ғайрат бағишлаб, уни янада юксак мақсад ва марралар сари илҳомлантиради.

Ўз мухбиримиз.

“Меҳнат шуҳрати”га муносиб йўл

Шаҳарсозлик – бу шунчаки ғишт ва бетондан иморат тиклаш эмас. Бу одамларнинг кундалик ҳаёти, улар учун яратиладиган қулайликлар, шаҳарнинг эртанги қиёфаси ва келажак авлод учун муносиб муҳитни бугундан режалаштириш демакдир. Шу маънода шаҳарсозликни келажакнинг ўзига хос харитаси, деб аташ мумкин.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган Бобир Элмурадов ана шундай масъулиятли ва юрт тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ соҳанинг фидойи мутахассисларидан биридир. Унинг кўп йиллик меҳнат фаолияти, шаҳарсозлик соҳасидаги изланишлари ва амалий тажрибаси бугун юртимиздаги бунёдкорлик жараёнларининг муҳим жиҳатларини англашга имкон беради.

Илм ва тажриба уйғунлиги

1983 йилда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилган Бобир Элмурадовнинг 16 йиллик меҳнат фаолияти архитектура ва шаҳарсозлик соҳаси билан узвий боғлиқ. Унинг касбий йўлига назар ташласак, бу ерда фақат амалий тажриба эмас, илмий изланиш ва доимий ўз устида ишлашга интилиш ҳам яққол кўзга ташланади. Бугун у архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасига эга олим сифатида ҳам фаолият юритмоқда.

Унинг меҳнат фаолияти 2009 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ассистентликдан бошланган. Оддий ўқитувчилик вазифасидан бошланган бу йўл йиллар давомида катта масъулият ва тажриба талаб қиладиган лавозимларга олиб борди. Самарқанд шаҳри бош архитектори, Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси, вилоят бош архитектори ҳамда Қурилиш вазирлигида масъул бўлим бошлиғи сифатида ишлаган даврида у шаҳарсозликнинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганиш имконига эга бўлди.

Бу лавозимларнинг ҳар бири Бобир Элмурадовнинг касбий шаклланишида алоҳида ўрин тутди. Зеро, шаҳарсозликда қабул қилинган ҳар бир қарор муайян ҳудуднинг бугунги эмас, эртанги қиёфасига ҳам таъсир қилади. Шунинг учун соҳада билим, тажриба ва узоқни кўра билиш бир-бирини тўлдириши муҳим ҳисобланади.

2021 йилдан буён эса Бобир Элмурадов мамлакатимизда шаҳарсозлик ва лойиҳалаш йўналишида муҳим ўрин тутадиган “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ бош директори сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бугун унинг зиммасида нафақат йирик лойиҳаларни мувофиқлаштириш, балки мамлакат шаҳар ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қиладиган ёндашувларни ривожлантиришдек масъулиятли вазифа ҳам бор.

Чизиқлардаги миллий ғурур ва халқаро эътироф

Бобир Элмурадов раҳбарлигида “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ жамоаси томонидан сўнгги йилларда мамлакатимиз учун стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юзлаб йирик инфратузилма, ижтимоий, маданий ҳамда дипломатик объектларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бу лойиҳаларнинг ҳар бири ортида катта меҳнат, аниқ ҳисоб-китоб, замонавий ёндашув ва, энг муҳими, юртнинг бугунги эҳтиёжлари билан бир қаторда келажак манфаатларини ҳам ҳисобга олган изланишлар мужассам.

Жамоа томонидан амалга оширилган ишлар кўлами ҳақида гап кетганда, аввало, мамлакатимиз транспорт инфратузилмасида муҳим ўрин тутадиган аэропортлар лойиҳалари тилга олинади. Жумладан, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти, пойтахтдаги “Ҳумо” аэропорти, шунингдек, Навоий ва Термиз халқаро аэропортлари билан боғлиқ лойиҳаларда институт мутахассисларининг меҳнати бор. Бундай объектларни лойиҳалашда нафақат меъморий ечим, балки йўловчиларга қулайлик, хавфсизлик, транспорт оқимини самарали ташкил этиш каби кўплаб жиҳатлар инобатга олинади.

Жамоанинг профессионал салоҳияти мамлакатимиз дипломатик инфратузилмасида ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари учун ишлаб чиқилган лойиҳалар орасида Вашингтон, Абу-Даби, Боку ва Душанбе шаҳарларидаги элчихона бинолари алоҳида аҳамиятга эга. Бу иншоотлар нафақат функционал вазифани бажаради, балки хорижда мамлакатимизнинг меъморий қиёфаси ва миллий ўзига хослигини намоён этувчи рамзий масканлар ҳамдир. Қолаверса, таълим ва тиббиёт соҳасидаги объектлар ҳам институт жамоаси портфелининг салмоқли қисмини ташкил этади. Тошкентдаги Республика миллий тиббиёт маркази, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Пирогов номидаги тиббиёт университети филиали, Тошкент давлат аграр университети ва Ал-Хоразмий мажмуалари каби объектлар замонавий таълим ва тиббий хизмат учун зарур муҳит яратишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Шаҳарсозлик соҳасидаги яна бир муҳим йўналиш эса янги шаҳар муҳитини шакллантириш билан боғлиқ. Фарғонадаги 330 гектарлик “Эко шаҳар”, Самарқанддаги “Ширин” туристик мажмуаси, Навоий шаҳарчаси ва “Янги Ўзбекистон боғи”, Зоминдаги амфитеатр ва маданий мажмуалар каби лойиҳалар бугунги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга хизмат қилаётган йирик ташаббуслар сирасига киради.

Эътиборлиси, бу география мамлакат ҳудуди билан чекланиб қолмайди. Ўзбекистон меъморларининг ижодий изланишлари хорижда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, Покистон пойтахти Исломобод шаҳрида барпо этилган “Бобур боғи” мажмуаси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳам институт жамоасининг профессионал салоҳияти ва миллий меъморлик анъаналарини замонавий ечимлар билан уйғунлаштириш маҳоратини намоён этади.

Мастер-режалар ва шаҳарларнинг бўлажак харитаси

Шаҳарсозликда ҳақиқий натижа фақат бугун қад ростлаётган бинолар билан эмас, балки уларнинг ортида турган узоқни кўзлаган режалар билан ҳам ўлчанади. Чунки ҳар бир шаҳарнинг эртанги қиёфаси, аҳоли учун яратиладиган қулай муҳит, транспорт ва ижтимоий инфратузилманинг қай тарзда жойлашиши бугундан пухта ўйланган қарорларга боғлиқ. Шу маънода лойиҳалаш – алоҳида бир иншоотни барпо этишдан анча кенг тушунча. Бу бутун бир ҳудуднинг келажакда қандай кўриниш олишини тасаввур қилиш ва уни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш демакдир.

Ана шу ёндашув асосида Бобир Элмурадов раҳбарлигидаги жамоа томонидан кейинги йилларда 158 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган мастер-режалар ҳам тайёрланди. Жумладан, Сурхондарёдаги Сангардак ва Омонхона, Қашқадарёдаги Хонтепа каби туристик ҳудудларнинг келажак қиёфасини белгилаб берувчи лойиҳалар устида иш олиб борилди. Бундай ҳужжатлар, аввало, ҳудуднинг мавжуд имкониятларини тўғри баҳолаш, табиий ва тарихий салоҳиятини асраб-авайлаш, шу билан бирга, аҳоли ва сайёҳлар учун замонавий шароит яратишга хизмат қилади.

Бош режа қоғоздаги чизиқлардан иборат оддий схема эмас. Унда шаҳарнинг қайси томонга кенгайиши, янги турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўллар ва муҳандислик инфратузилмаси қаерда жойлашиши каби масалаларнинг ечими мужассам бўлади. Бу борадаги ишлар келгусида ҳам давом этади. 2026 йил якунига қадар яна 7 та муҳим қурилиш объекти, шунингдек, 53 та бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳасини якунлаш режалаштирилган. Демак, бугун ишлаб чиқилаётган ҳар бир ҳужжат эртанги шаҳар муҳитини шакллантиришга қўйилаётган навбатдаги қадамдир.

Шаҳарсозликдек катта кўламли соҳада режа ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш қанчалик муҳим бўлса, уларни самарали бошқариш ҳам шунчалик аҳамиятли. Бобир Элмурадовни яқиндан танийдиган соҳа мутахассислари уни нафақат тажрибали архитектор ва лойиҳачи, балки иқтисод ва молия масалаларини ҳам яхши биладиган, ишга талабчан раҳбар сифатида эътироф этадилар.

Эришилган натижаларнинг эътироф этилиши эса меҳнатга берилган муносиб баҳо сифатида қабул қилинади. Давлатимиз раҳбари томонидан Бобир Элмурадовнинг “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирлангани ҳам унинг кўп йиллик фаолияти, касбига садоқати ва юрт ободлиги йўлидаги меҳнатининг юксак эътирофидир. Бироқ шаҳарсозликда ҳар қандай мукофот ортда қолган йўлга берилган баҳо бўлиши билан бирга, олдинда турган вазифаларни ҳам эслатиб туради. Чунки бугун чизилган бош режа эртага одамлар яшайдиган, меҳнат қиладиган ва фарзандларини вояга етказадиган муҳитга айланади. Демак, қоғоздаги ҳар бир чизиқ ортида инсон тақдири, ҳар бир қарор ортида эса келажак олдидаги масъулият бор.

Мустақиллигимиз халқимиз ҳаётида нафақат озод ва эркин тараққиёт даврини бошлаб берди, балки мамлакат равнақи йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган инсонларнинг қадр-қимматини юксалтиришга ҳам хизмат қилди. Бугун юртимизнинг қайси соҳасига назар ташламайлик, ислоҳотларнинг ҳаётбахш натижалари замирида ўз ишига масъулият билан ёндашадиган, зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этадиган инсонларни кўрамиз.

Хизматдаги садоқат ва масъулият эътирофи

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ана шундай фидойи соҳа вакилларидан бири – Мирзо Улуғбек туманидаги “Бунёдкор обод таъмир” бошқарув сервис компанияси раҳбари Ирина Борисовна Ан давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Бу юксак эътироф, аввало, кўп йиллик ҳалол меҳнат, соҳа тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса ҳамда одамлар турмуши билан бевосита боғлиқ масъулиятли вазифаларни муносиб адо этиш самарасидир.

Ирина хонимнинг меҳнат фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг ҳаёт йўли изланиш, масъулият ва бошқарувчилик тажрибаси билан бойиб борганини кўрамиз. У меҳнат фаолиятини турли соҳаларда бошлаб, раҳбарлик ва хўжалик ишларида катта тажриба орттирди. Коммунал хўжалик тизимидаги кўп йиллик фаолияти эса унинг кейинги меҳнат йўлини белгилаб берди.

Юнусобод тумани коммунал хўжалиги ва фойдаланиш бўлимида турли лавозимларда ишлаб, тизимнинг энг қуйи бўғинидан раҳбарлик вазифаларигача бўлган масъулиятли босқичларни босиб ўтди. Хусусан, катта мутахассис, бўлим бошлиғи ўринбосари ва эксплуатация раҳбари сифатида орттирган тажрибаси унда соҳа муаммоларини чуқур ҳис этиш, уларнинг амалий ечимини топиш кўникмасини шакллантирди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳар куни одамлар ҳаёти билан тўқнаш келадиган, бир қарашда оддий туюлган, аммо катта масъулият талаб қиладиган тизимдир. Кўп қаватли уйларнинг ободлиги, муҳандислик тармоқларининг созлиги, ҳудудларнинг озодалиги, аҳолининг мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтариш – буларнинг барчаси тинимсиз меҳнатни талаб қилади.

У 2006 йилдан буён Мирзо Улуғбек туманидаги “Бунёдкор обод таъмир” компаниясига раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу йиллар давомида у раҳбар сифатида жамоани бир мақсад атрофида бирлаштириш, хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва аҳоли билан ишлашда самарали ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги кунда компания Мирзо Улуғбек туманидаги 74 та кўп квартирали уй, 3 951 та хонадон ва қарийб 287 минг квадрат метр турар жой майдонига хизмат кўрсатади. Бу рақамлар ортида минглаб оилаларнинг осойишта ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашдек улкан масъулият мужассам. Корхонада 43 нафар ходим меҳнат қилади. Авария-диспетчерлик хизмати, ходимлар билан ишлаш ва ҳисоботларни юритиш бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган. Муҳандис-техник ходимлар ва ишчилардан иборат аҳил жамоа кўп квартирали уйларнинг техник ҳолатини назорат қилиш, умумий мулкни асраш, коммунал муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳоли мурожаатларига тезкор муносабат билдириш йўлида мунтазам меҳнат қилмоқда.

Компаниянинг техник имкониятлари ҳам хизматлар сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, 7 та юк ташувчи электромобиль ва 2 та “Damas” автомашинаси аҳолига хизмат кўрсатиш, ҳудудлардаги зарур хўжалик ишларини ўз вақтида бажаришда муҳим ўрин тутади.

Ирина Борисовна раҳбарлигида шаклланган меҳнат жамоасида ҳар бир ходимнинг вазифаси аниқ белгилаб берилган. Раҳбарнинг ўзи эса жамоадан фақат талаб қилиш билан чекланмай, ҳар бир иш жараёнининг мазмун-моҳиятини яхши биладиган, ходимлар меҳнатини қадрлайдиган раҳбар сифатида фаолият юритади.

Унинг раҳбарлик услубида бир муҳим жиҳат яққол кўзга ташланади: аҳоли ишончи ҳар қандай кўрсаткичдан устун. Чунки бошқарув сервис компанияси фаолиятининг ҳақиқий баҳоси ҳисоботларда эмас, балки одамларнинг турмушида, уларнинг яшаш шароитидан розилигида намоён бўлади. Шу боисдан ҳам кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳар бир масалага эътибор билан ёндашиш, кичик муаммонинг катта ташвишга айланишига йўл қўймаслик, аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш компания раҳбарининг иш фаолиятида устувор ўрин эгаллайди.

Ирина Борисовнанинг кўп йиллик меҳнат фаолияти, аввало, бир соҳада тўпланган бой тажриба, одамлар дардини ҳис қилиш ва зиммасидаги вазифага содиқ қолиш йўлидир. Унинг меҳнати давлат ва жамият манфаатлари йўлида барча миллат ва элат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган бугунги Ўзбекистоннинг амалий ифодасидир.

“Дўстлик” ордени билан тақдирлангани ҳам қаҳрамонимизнинг ана шу меҳнати, касбига садоқати ва мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссасининг юксак эътирофидир. Юртимиз равнақи, маҳаллалар ободлиги ва аҳоли фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган бундай инсонлар бор экан, “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил ҳаётимизда ҳам ўз аксини топаверади.

Қаҳрамонимизга юксак давлат мукофоти муборак бўлсин! Унинг келгуси меҳнат фаолияти ҳам янги ютуқлар, эзгу ташаббуслар ва муносиб натижалар билан давом этсин.



Халқ ҳаётига дахлдор вазифа

Ҳар бир соҳанинг ўз фидойилари бўлади. Улар кўпинча баланд минбарларда эмас, балки тизимнинг энг масъулиятли нуқталарида – кундалик меҳнати, қатъияти ва билими билан юрт тараққиётига ҳисса қўшадилар. Ичимлик ва оқова сув тизими эса ана шундай юксак масъулият, пухта билим ҳамда узлуксиз меҳнатни талаб қиладиган муҳим йўналишлардан биридир.



Сув хўжалиги соҳасида қарийб йигирма уч йилдан буён фаолият юритиб келаётган Ғайрат Раҳимовнинг касбий йўли ҳам изчиллик ва тажриба билан йўғрилган. Унинг меҳнат фаолияти давомидаги вазифалар бир-бири билан узвий боғланиб, бугунги масъулиятли лавозимгача бўлган мустаҳкам тажриба мактабини шакллантирди.

1982 йил 5 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган Ғайрат Раҳимов 2003 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тамомлади. Илк меҳнат фаолиятини “Чирчиқ-Оҳангарон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида бош мутахассис сифатида бошлаб, кейинчалик сувдан фойдаланишни назорат қилиш тизимида турли вазифаларда ишлади. Хусусан, “Ўзсувназорат” республика сув инспекциясида бош мутахассис, бош ҳисобчи ва бўлим бошлиғи лавозимларида меҳнат қилди. Кейинги йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида масъул вазифаларни бажарди. Бу давр унинг соҳадаги жараёнларни куйи бўғиндан бошлаб бошқарув даражасигача чуқур англаши учун муҳим мактаб бўлди.

2023 йилдан буён Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармасига раҳбарлик қилиб келаётган Ғайрат Раҳимов бугун ана шу кенг қамровли вазифалар ижросига масъул. Унинг фаолияти аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув хизматларини такомиллаштириш, тармоқларни ривожлантириш ҳамда соҳадаги ислоҳотларни мувофиқлаштириш каби муҳим йўналишларни қамраб олади.

Бундай масъулиятли вазифада кўп йиллик амалий тажрибанинг аҳамияти катта. Чунки соҳада учрайдиган ҳар бир муаммонинг ўз сабаби ва ечими бор. Уни аниқлаш эса вазиятни чуқур ўрганиш, ҳудуднинг имкониятларини баҳолаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Бу борада йиллар давомида шаклланган билим ва амалий ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Касбий фаолияти давомида лавозим ва вазифалар доираси кенгайиб боргани сари унинг зиммасидаги масъулият ҳам ортди.

Мутахассис меҳнатининг давлат томонидан муносиб баҳоланиши ана шу узоқ йиллик фаолиятга берилган юксак эътирофдир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, Ғайрат Раҳимовнинг “Шуҳрат” медали билан тақдирланган унинг соҳа тараққиётига қўшган ҳиссаси муносиб қадрланганини кўрсатади.

Мазкур мукофот, айни пайтда, коммунал инфратузилма тизимида йиллар давомида сидқидилдан хизмат қилаётган кўплаб мутахассислар меҳнатига бўлган эътиборнинг ҳам ифодасидир. Аҳоли фаровонлигига бевосита дахлдор йўналишларда фаолият юритаётган ходимларнинг хизмати эътироф этилиши улар учун нафақат қувонч, балки келгуси вазифаларга янада масъулият билан ёндашишга рағбатдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан давлат мукофотларига сазовор бўлган барча соҳа вакилларини ушбу юксак эътироф билан самимий муборакбод этамиз. Уларнинг кўп йиллик самарали фаолияти, касбга садоқати ва юрт тараққиёти йўлидаги хизматлари муносиб қадр топаётгани қувонарли. Бундай эътирофлар янги ташаббусларга куч, келгуси вазифаларни сидқидилдан бажаришга эса янада катта масъулият бағишласин.

Меҳнат билан яралган – “Шуҳрат”

Баъзан шаҳар ёки вилоят кўчаларини кезиб, қад ростлаётган муҳташам бинолар, янгидан бунёд этилаётган мактаб ва кутубхоналар, ободлашиб бораётган маҳаллаларга назар ташлар экансиз, беихтиёр бир савол туғилади: бу ўзгаришлар ортида қанчадан-қанча инсоннинг меҳнати, изланиши ва масъулияти мужассам экан-а?

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Бугун Сурхондарё вилоятида кечаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини янгилаётган улкан ўзгаришлар замирида ана шундай фидойи инсонларнинг меҳнати бор. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Панжи Тангриев билан суҳбатимиз давомида унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятига назар ташлар эканмиз, бу фикр яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Мустақиллик куни арафасида “Шуҳрат” медали билан тақдирланган Панжи Қобиловичнинг меҳнат фаолияти – бу фақат эгалланган лавозимлар ёки қўлга киритилган ютуқлар сарҳисоби эмас. Унда йиллар давомидаги машаққатли меҳнат, изланиш, масъулият ва элюрт манфаати йўлидаги фидойилик мужассам. Юксак давлат мукофоти эса бу меҳнатга берилган муносиб баҳо бўлиши билан бирга, уни янада катта мақсадлар ва янги марралар сари чорловчи масъулиятли қадам ҳамдир.

Иқтисодчиликдан қурилиш майдонларигача...

Панжи Тангриев 1969 йил 3 сентябрь куни Сурхондарёнинг Термиз туманида таваллуд топган. Олий таълимни 1991 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтида таълим олган бўлажак раҳбар меҳнат фаолиятига Ангор тумани Молия бўлимида иқтисодчи сифатида қадам қўйди. Шундан сўнг, унинг меҳнат йўли турли масъулиятли вазифалар ва ҳаётий тажрибалар билан бойиди. Вилоят молия тизимидаги фаолият, Молия вазирлиги, вилоят Молия бошқармаси раҳбарлиги, вилоят ҳокимининг ўринбосари, Бойсун тумани ҳокими ҳамда вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи каби лавозимлар унга раҳбарликнинг турли қирраларини англаш, одамлар билан ишлаш ва масъулиятни чуқур ҳис этиш имконини берди.

2024 йил 14 августдан буён, Панжи Тангриев Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият юритиб келмоқда.

– Инсон ҳаётида унга тўғри йўл кўрсатадиган, тажрибаси ва ўгити билан қўллаб-қувватлайдиган устозлар албатта, бўлади, – деди суҳбатдошимиз. – Мен учун энг биринчи ва энг азиз устозлар – меҳнат қилишдан чарчамасликни, ҳалолликни ҳаёт мезони деб билишни ўргатган ота-онамдир. Касбий фаолиятим давомида эса ҳар бир қурилаётган бино ортида инсон тақдири, унинг тинч ва хавфсиз ҳаёти турганини англатган муҳандис ва усталардан кўп нарса ўргандим. Уларнинг касбига садоқати, ишга бўлган фидойилиги мен учун катта ҳаёт мактаби бўлиб келган.

Сурхондарёнинг бунёдкорлик қиёфаси

Бугун Сурхондарёда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари фақат янги бинолар қад ростлаши билан чекланмаяпти. Бу жараёнлар, энг аввало, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфасини янгилаш ҳамда урбанизация жараёнларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, вилоятда барпо этилган 5 та “Янги Ўзбекистон” массиви бугунги ислоҳотларнинг амалий ифодасига айланмоқда. Хусусан, 2025 йилнинг ўзида 9 315 хонадонли 164 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди. Айни пайтда эса 8 516 хонадонга мўлжалланган 119 та замонавий, энергия тежамкор турар жойнинг қурилиши жадал давом этмоқда. Бу уйлар нафақат аҳоли учун янги манзил, балки замонавий ҳаёт тарзи учун яратилаётган муносиб шароитдир.

Қолаверса, бунёдкорликнинг кўлами ижтимоий соҳа объектларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. 2025 йилда вилоятда жами 69 та ижтимоий соҳа объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар орасида 35 та мактаб, 27 та мактабгача таълим ташкилоти, 4 та соғлиқни сақлаш муассасаси, шунингдек, спорт ва ижод соҳасига оид объектлар бор. Бугун эса яна 68 та ана шундай объектда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

Бу каби кенг кўламли ўзгаришларнинг мустаҳкам пойдевори, аввало, пухта режалаштиришдан бошланади. Шу нуқтаи назардан, 2024-2025 йилларда 13 та туман маркази, 4 та шаҳарча ва 23 та маҳалланинг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Айни вақтда Термиз ва Денов шаҳарларининг бош режалари устида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Зеро, шаҳарсозлик – бу фақат бугунги кун эҳтиёжларини ҳисобга олиш эмас. Бу келажакни олдиндан кўра билиш, эртанги авлод қандай муҳитда яшаши ва меҳнат қилишини бугундан режалаштириш демакдир. Сурхондарёдаги бугунги бунёдкорлик ишлари ҳам ана шундай узоқни кўзлаган мақсад ва эзгу ниятлар билан уйғунлашиб бормоқда.

Муаммоларга замонавий ечимлар

Сурхондарёда уй-жой коммунал хўжалиги тизимини такомиллаштириш борасида ҳам салмоқли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бугун вилоятдаги 1 724 та кўп квартирали уйга хизмат кўрсатиш тизими босқичма-босқич замонавий талаблар асосида қайта шакллантирилмоқда.

Соҳадаги муҳим ўзгаришлардан бири – илгари моддий-техник базаси етарли бўлмаган, ишчи-ходимлари деярли шаклланмаган 76 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти тугатилиб, уларнинг ўрнида 33 та замонавий Бошқарув сервис компанияси (БСК) фаолияти йўлга қўйилганидир. Бугун ушбу компаниялар зиммасидаги вазифа фақат уйларни бошқариш билан чекланмайди. Кўп квартирали уйларнинг умумий фойдаланишдаги қисмларини сақлаш, ободонлаштириш, тозаликни таъминлаш ва юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини тезкор бартараф этиш ишлари тизимли йўлга қўйилган. Айниқса, 24 соатлик авария-диспетчерлик хизматининг ташкил этилгани аҳоли учун зарур пайтда тезкор ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Бу мукофот – ягона инсонга эмас, бутун жамоага берилган баҳодир

Панжи Тангриевнинг “Шуҳрат” медали билан тақдирлангани ҳақидаги хабар унинг учун оддий қувонч эмас, балки кўп йиллик меҳнат йўлига берилган юксак баҳо бўлди. Буни суҳбатдошимизнинг самимий сўзларидан ҳам англаш қийин эмас:

– Тўғрисини айтсам, бу хабарни эшитганимда қалбимни чексиз фахр ва ҳаяжон туйғулари қамраб олди, – деди “Шуҳрат” медали соҳиби Панжи Қобилович. – Қурилиш соҳаси бу фақат бино тиклаш эмас, бу юртнинг келажагини ва чиройини яратиш демакдир. Бу мукофотни фақат ўзимники эмас, балки иссиқ-совуқда елкама-елка туриб меҳнат қилган бутун жамоамиз, қурувчи ва муҳандисларимизга берилган баҳо деб биламан. Бу эътибор ва эътироф менга икки карра масъулият юклайди ва янги марралар сари руҳлантиради.

Панжи Тангриевнинг ҳаёт ва меҳнат йўли ҳам бир ҳақиқатни кўрсатади, яъни катта натижа бир кунда пайдо бўлмайди. Унинг замирида йиллар давомидаги изланиш, турли лавозимларда орттирилган тажриба, устозлардан олинган сабоқ ва энг муҳими, ўз касбига садоқат мужассам. Бугун Сурхондарёда қад ростлаётган уй-жойлар, мактаблар, ижтимоий объектлар ва янгиланаётган шаҳарсозлик муҳити ана шу узлуксиз меҳнатнинг амалий самарасидир. Бунёдкорликнинг ҳақиқий қиймати эса қурилган иншоотлар сони билангина эмас, улар инсонлар ҳаётига қанчалик қулайлик ва фаровонлик олиб киргани билан ўлчанади.

Эҳтимол, “Шуҳрат” медалининг энг катта маъноси ҳам шундадир. У ортда қолган меҳнатни эътироф этиш билан бирга, янги вазифалар сари чорлайди. Панжи Тангриев учун бу эътироф янги марраларнинг бошланиши бўлса, Сурхондарёдаги бунёдкорлик ишлари эса ҳали давом этадиган катта йўлдир. Чунки юрт қиёфасини ўзгартириш – бир кунлик иш эмас. У ҳар куни меҳнат, изланиш ва масъулиятни талаб қилади. Ана шу йўлда фидойилик билан хизмат қилаётган инсонларнинг меҳнати эса, шубҳасиз, ўз самарасини халқ ҳаётида намоён этади.



Йўл қуриб, йўл очган тадбиркор

Учта эски техника ва ўн нафар ишчи билан бошланган тадбиркорлик фаолияти бугун йўл қурилиши учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш, махсус техника ва қурилиш-таъмирлаш ишларини қамраб олган йирик тизимга айланди. Жиззахлик тадбиркор Сардор Қурбоновнинг меҳнат йўли ана шундай натижалар билан давом этмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



У 2012 йилда “Nurli to‘lqin servis” МЧЖга асос солиб, фаолиятини қурилиш материаллари савдосидан бошлади. Кейинчалик логистика ва ишлаб чиқариш соҳаларига кириб, йўл қурилиши учун зарур материалларни ўз базасида тайёрлашга эътибор қаратди. Бугун корхона тасарруфида 270 дан ортиқ махсус техника мавжуд. Улар ёрдамида 2023 йилда 75,709 миллиард, 2024 йилда 124,476 миллиард, 2025 йилда эса 297,720 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари билан Жиззах шаҳри ва Сирдарё туманида иккита асфальт заводи, Жиззах шаҳрида бетон маҳсулотлари ва минерал кукун ишлаб чиқариш корхоналари, иккита битум-эмульсия цехи, шунингдек, бир нечта бетон узеллари, тош майдалаш ва қум ювиш линиялари ишга туширилди. Бу корхоналар йўл қурилиши учун зарур маҳсулотларни тайёрлаш ва етказиб бериш имконини бермоқда.



2018 йилда ташкил этилган “New Nerud” МЧЖда Туркия, Эрон, Швейцария ва Хитой технологиялари асосида йиллик қуввати 2,8 миллион куб метр бўлган ишлаб чиқариш линиялари ишламоқда. Маҳсулотлар Жиззахдан ташқари кўшни вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда. 2019 йилда ташкил этилган “Zarxal qum” МЧЖнинг йиллик қуввати 500 минг кубни ташкил этади. Корхонада тайёрланаётган қурилиш материаллари Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги корхоналарга етказиб берилмоқда. Хорижий ҳамкорлик доирасида Испаниянинг “Prensoland” S.A. компанияси технологиялари асосида темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “Trans logistic” МЧЖда эса Италия, Германия ва Туркиядан келтирилган ускуналар асосида йиллик қуввати 520 минг тоннани ташкил этувчи асфальт заводи ишга туширилди.

Сардор Қурбонов таъсисчилигидаги корхоналарда 1 200 нафар доимий ва 300 нафардан ортиқ мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан шу кунга қадар халқаро ва ички йўлларнинг 220,3 километрида асфальт ётқизилди, 13,2 километрда қум-шағал ишлари бажарилди. 6,2 километр пиёдалар йўлаги қурилиб, 329 та тунги ёритиш чироғи ўрнатилди.

Тадбиркорлик жамоанинг ижтимоий масъулияти билан ҳам уйғун. Сардоба фожиасидан зарар кўрган 20 та оилага уй-жой қуриш учун маблағ ажратилди. Жиззах вилоятидаги эҳтиёжманд оилаларга уй-жой қуриб бериш ва таъмирлаш, селдан жабр кўрган оилаларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва бошқа ижтимоий лойиҳаларга ҳомийлик қилиш ишлари ҳам амалга оширилди.

“Nurli to‘lqin” ҳолдинг кузатув кенгаши раиси Сардор Қурбоновнинг кўп йиллик меҳнати давлат томонидан муносиб баҳоланди. У “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

– Бу мукофот зиммамга катта масъулият юклади. Эътироф мени корхоналаримиз фаолиятини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва маҳсулот турларини кўпайтиришга янада ундамоқда, – деди тадбиркор.

Янги уйлар – ёшларнинг янги умидларини рўёбга чиқаради

Мустақиллик байрамининг 35 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир эзгу ташаббус амалга оширилди. Унга кўра, 101 нафар ёш учун янги уй-жойлар қурилиб, уларнинг замонавий ва муносиб шароитда яшаши учун имконият яратилди.

Мазкур хайрли ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, “InFinBank” акциядорлик жамияти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўртасидаги ҳамкорлик доирасида амалга оширилди. Шу муносабат билан Бердақ номидаги академик театрда ўтказилган тадбирда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга янги барпо этилган уч хонали уйларнинг калитлари тантанали равишда топширилди. Бу эса уларнинг ҳаётида янги саҳифа очиб, келажакка ишонч билан қадам қўйиши учун муҳим омил бўлди.



Таъкидлаш жоизки, мазкур хайрли ишнинг замирида бир неча ой аввал бошланган ҳамкорлик ва аниқ мақсадга йўналтирилган келишувлар мужассам. Хусусан, жорий йилнинг май ойида ташаббускорлар ўртасида ушбу масала юзасидан меморандум имзоланган эди. Унга мувофиқ, “InFinBank” акциядорлик жамияти томонидан ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган оғир ижтимоий вазиятдаги ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий қиймати 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши белгиланган. Шу келишувнинг амалий ифодаси сифатида юзлаб ёшлар учун янги имкониятлар эшиги очилмоқда.

Бугун ана шу ташаббуснинг амалий натижаси сифатида Оролбўйи минтақасидаги эҳтиёжманд ёшларнинг турмуш шароити яхшиланиб, уларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташланмоқда. Лойиҳа доирасида ёш оилалар шу пайтгача истиқомат қилиб келган эски уйлар ўрнида замонавий ва қулай турар жойлар барпо этилди. Шу билан бирга, янги хонадонларда яшаш учун зарур, замон талабларига жавоб берадиган инфратузилма яратилди.

– Шу пайтгача яшаб келган уйимизни ҳомий ташкилотлар бир неча бор таъмирлаб беришди, – деди янги уйнинг калитини қўлга киритганлардан бири Болтабой Дўсчанов. – Бироқ эскини ямаб, эсинг кетади, деб айтганларича бор экан. Иситиш тизими издан чиққани туфайли қишда совуқ, ёмғирли кунлари эса томдан чакки ўтаверіб безор қиларди. Унинг ўрнида зарур жиҳозлар ўрнатилган ва ҳар тарафлама талабга жавоб берадиган янги уйга эга бўлдик. Давлатимиз биз каби ёшларни қўллаб-қувватлаб, етарли шароитлар яратиб бераётганидан миннатдормиз.

Таъкидлаш керакки, аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ўсиб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя чораларида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу ҳамжиҳатлик туфайли ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар учун муносиб турмуш шароитлари яратилиб, уларнинг эртанги кунга ишонч билан қадам қўйишига имконият берилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган 101 нафар ёшга мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 35 йиллик байрами арафасида замонавий ва барча қулайликларга эга уй-жойларнинг топширилгани ҳам бу борадаги ҳамкорликнинг амалий самарасига яққол мисолдир.



Истиқлол тенгдошлари

Мустақиллик – бу ҳар бир халқ учун энг улуғ, энг азиз неъмат. 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган даврдан буён мамлакатимиз билан ёнма-ён улғайган, истиқлол билан тенгдош бўлган янги авлод вояга етди.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Улар – мустақил давлатимиз берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли соҳаларда ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшаётган ёшлардир. Газетамизнинг ушбу сонида айнан 1991 йилда таваллуд топиб, бугунги кунда қурилиш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиши соҳаларида эл-юрт корига яраб келаётган истиқлол тенгдошларининг ибратли ҳаёт ва меҳнат йўлини ҳавола этамиз.

Халқ дуосига элтувчи касб



Инсон ҳаётида шундай касблар борки, уларнинг аҳамияти кундалик ҳаётимизда кўп ҳам сезилмаслиги мумкин. Аммо бир кун хонадонга сув келмай қолса ёки қишнинг совуқ кунларида батареялар муздек бўлиб қолса, ана шу соҳалар ортида қанчадан-қанча инсонларнинг меҳнати турганини англаймиз. Коммунал хизмат – бу оддий хизмат эмас, балки миллионлаб одамларнинг осойишта ва фаровон ҳаётини таъминлайдиган масъулиятдир.

Ана шундай масъулиятни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган ёш мутахассислардан бири – Солижон Қўшақовдир. У 1991 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг Данғара туманида таваллуд топган. Демак, у мустақиллик билан тенгдош авлод вакили. Унинг ҳаёт йўли эса замонавий Ўзбекистонда ёшларга яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиш, билим ва меҳнат орқали ўз ўрнини топиш мумкинлигининг ўзига хос ифодасидир.

Солижон Қўшақов Қўқон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ва академик лицейни тамомлагач, 2009 йилда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг муҳандислик-коммуникациялари йўналиши бўйича таҳсил олишга киришди. 2013 йилда бакалавриатни муваффақиятли тугатган ёш мутахассис ҳаётни тайёр кабинетдан эмас, балки меҳнатнинг қуйи поғонасидан бошлади. У икки йил давомида “Кўқон шаҳар сувоқова” ишлаб чиқариш корхонасида чилангарликдан тортиб, техник-ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи вазифасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу йўлнинг ўзи катта ҳаётий мактаб эди. Чунки Солижон Қўшақовнинг меҳнат фаолиятидаги дастлабки йиллар унинг кейинги касбий камолотига мустаҳкам пойдевор бўлди.

Билим олиш ва изланишни тўхтатмаган мутахассис 2015–2017 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институтида магистратурада таҳсил олди. 2018 йилдан эса уй-жой коммунал хўжалиги тизимидаги меҳнат фаолияти янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда у Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Иссиқлик, вентиляция ва кондициялаш тизимларини ривожлантириш бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Шунингдек, ҳар бир инсоннинг тақдирида унинг ҳаёт йўлини белгилаб берувчи устозлар бўлади. Солижон Қўшақов учун ана шундай инсон, аввало, унинг отаси – Саминжон Маҳкамовдир.

– Бу соҳага кириб келишимда устозим – отамнинг ўрни катта, десам адашмаган бўламан, – дейди қаҳрамонимиз. – Отам 1982 йилдан буён сув таъминоти соҳасида меҳнат қилиб келадилар. Биз ҳам шу касбга меҳр қўйиб улғайганмиз. Аҳолига ичимлик суви етказиб берганингизда, одамларнинг дуосини олганингизда, қилган меҳнатингиздан завқланасиз. Мени коммунал соҳани танлашга ундаган энг катта омил ҳам шу бўлган.

Бугун технологиялар жадал ривожланаётган, шаҳарлар қиёфаси ўзгараётган бир пайтда коммунал тизимларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, иссиқлик таъминоти тизимидаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янгиланиш минглаб хонадонлар ҳаётига дахл қилади. Солижон Қўшақов эришган ютуқларини санаб ўтиришдан кўра, унинг натижасини одамлар ҳаётида кўришни муҳим деб билади.

– Мен учун энг катта ютуқ халқ хизматида бўлиш, – деди у. – Бугун иссиқлик таъминоти соҳасида ишлаётган бўлсам, илгари иссиқлик етиб бормаган хонадонларга иссиқлик кириб боришига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Халқнинг розилиги ва дуоси мен учун энг катта мукофотдир.

Бу сўзларда касбнинг асл моҳияти мужассам. Чунки ҳақиқий муваффақият баъзан расмий ҳисоботлардаги рақамлар билан эмас, балки қишнинг совуқ кунида иссиқ хонада ўтирган оиланинг хотиржамлиги билан ўлчанади. Қолаверса, унинг меҳнати давлат томонидан ҳам муносиб эътироф этилган. 2021 йилда Солижон Қўшақов Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимидаги фидокорона меҳнати учун “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ота касбига садоқат



Инсон ҳаётида танлаган касби унинг тақдири ва ҳаёт йўлини белгилайдиган муҳим омиллардан биридир. Айниқса, бунёдкорлик касби машаққатли ва шарафли соҳани танлаш нафақат билим ва маҳорат, балки катта масъулият, сабр-тоқат ҳамда эл-юрт олдидаги бурчни чуқур ҳис қилишни талаб этади. Ана шундай масъулиятни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган, қурилиш соҳасида ўз меҳнати ва тажрибаси билан муносиб ўрин эгаллаб келаётган мутахассислардан бири – Аслиддин Хидировдир.

Аслиддин Хидиров 1991 йил 13 октябрь куни Қашқадарё вилоятининг қадимий ва навқирон шаҳри – Қаршида таваллуд топган. Унинг касб танлашдаги қарори тасодиф эмаслиги, балки авлоддан-авлодга ўтиб келаётган меҳнат анъаналари билан чамбарчас боғлиқ эканини англаймиз. Чунки унинг ота-боболари ҳам қурилиш соҳаси билан боғлиқ инсонлар эди. Ёш Аслиддин ҳам болалигидан бунёдкорлик муҳитида улғайди, қурилишнинг ўзига хос машаққати ва завқини яқиндан кўриб катта бўлди. Айниқса, отаси Усмон Хидиров унинг ҳаётида нафақат ота, балки биринчи устоз ҳам.

– Отам – биринчи устозим, – деди қаҳрамонимиз самимият билан. – Ёшлигимдан у кишидан меҳнат қилишни, ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашишни ўргандим. Қурилиш соҳасига бўлган қизиқишим ҳам айнан шу муҳитда шаклланган.

Бу мақсад уни 2010-2014 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг муҳандислик-коммуникациялари йўналишига бошлади. Олий таълим даргоҳида олган назарий билимлари кейинчалик унинг амалий фаолияти учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Ўқишни тамомлагач, ёш мутахассис меҳнат фаолиятини Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида бошлади. Бу ерда у қурилиш тизимининг масъулиятли ва серқирра жараёнларини яқиндан ўрганди. Кейинчалик “Enter Engineering” компаниясидаги фаолияти орқали йирик лойиҳалар ва замонавий иш услублари билан танишиб, касбий тажрибасини янада бойитди. Лойиҳа фирмасидаги меҳнат фаолияти эса унга қурилиш жараёнига бошқа нуқтаи назардан қараш, лойиҳалаш ва амалий ечимлар ўртасидаги боғлиқликни чуқурроқ англаш имконини берди.

Бугунги кунда Аслиддин Хидиров Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида Кўп квартирали уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидаларини назорат қилиш шўъбаси мутахассиси сифатида меҳнат қилмоқда. Бу вазифа катта ишонч билан бирга улкан масъулиятни ҳам талаб этади. Зеро, қурилишда сифат ва хавфсизлик – шунчаки техник талаб эмас, балки инсонлар ҳаёти, эртанги кун ва мамлакат тараққиёти билан боғлиқ масаладир.

Қаҳрамонимиз учун энг катта ютуқ – эгаллаган лавозим ёки орттирилган тажрибанинг ўзи эмас. Унинг назарида, ҳақиқий ютуқ – халқ ва Ватан равнақига ўз меҳнати билан ҳисса қўша олишдир. Бунёдкорликнинг моҳияти ҳам, аслида, шу эмасми? Бугун қилинган ҳалол меҳнат эртага қад ростлаган бинода, обод манзилда, инсонлар ҳаёти учун яратилган қулайликларда ўз аксини топади.

Аслиддин Хидиров мустақиллигимиз билан тенгдош эканидан алоҳида ғурурланади. Зеро, 1991 йилда туғилган авлод мамлакатимиз билан бирга улғайди, унинг тараққиёт босқичлари, изланиш ва янгиланишларига гувоҳ бўлди. Бугун эса улар Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик жараёнларида фаол иштирок этиб, мамлакат тараққиётининг мустаҳкам таянчига айланмоқда.

Рақамли келажакни қураётган ёшлар



Баъзан катта ўзгаришлар доим ҳам кўзга ташланмайди. Улар баланд бинолар ёки кенг кўчалар шаклида эмас, балки тизимлар ичида, маълумотлар оқимида, бир-бири билан боғланган электрон жараёнларда намоён бўлади. Бугун ҳаётимизнинг деярли ҳар бир соҳаси рақамлашиб бораётган бир паллада, ана шу кўринмас, аммо муҳим жараёнларни тартибга солаётган мутахассисларнинг меҳнати алоҳида аҳамият касб этади.

Истиқлол билан тенгдош авлод вакилларидан яна бири – Илёсжон Эрматов ана шундай мутахассислар сирасига киради. У 1991 йил 28 июлда Фарғона вилоятининг Бувайда туманида таваллуд топган. Болалик йилларидан бошланган билим йўли уни муҳандислик ва ахборот технологиялари кесишган, бугунги кун учун ниҳоятда муҳим бўлган соҳага етаклади.

У Бувайда туманидаги 28-сонли мактабда бошланғич таълимни олгач, 2011-2015 йилларда Тошкент давлат техника университетида ўқиди. Олий таълимни тамомлагандан сўнг меҳнат фаолиятини 2015 йилда “Max Program” МЧЖда муҳандис лавозимидан бошлади. Кейинги йиллар эса унинг касбий фаолиятида давлат бошқаруви ва шаҳарсозлик соҳасидаги ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ янги босқични бошлаб берди.

2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлади. 2018-2024 йилларда эса “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасида ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида фаолият олиб борди. Бугунги кунда у “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” давлат муассасасининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва дастлабки лойиҳа ҳужжатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи сифатида меҳнат қилмоқда.

Илёсжон Эрматов фаолияти давомида давлат ва соҳа даражасидаги муҳим ахборот тизимларини интеграция қилиш, йирик мониторинг ва маълумотлар базаларини йўлга қўйиш, иш жараёнларини рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларда иштирок этди. У энг катта ютуғини ўз соҳасида зарур тажриба тўплагани ва жамият тараққиётига, кичик бўлса-да, ҳисса қўшаётганида деб билади.

Унинг ҳаётида касбий ютуқлар билан бир қаторда оила ҳам муҳим ўрин тутади. Уч нафар фарзандинг отаси бўлган қаҳрамонимиз тартибли оила ва фарзандлар тарбиясини ҳам ҳаётидаги энг катта ютуқларидан бири деб ҳисоблайди.

1991 йилда таваллуд топган авлод мамлакатимиз ҳаётидаги энг катта тарихий бурилишлар билан ҳамнафас бўлиб улғайди. Улар мустақилликнинг дастлабки қадамларини болалик нигоҳлари билан ҳис қилди, кейинчалик эса ислоҳотлар ва янгиланишларнинг бевосита иштирокчисига айланди. Илёсжон Эрматов учун истиқлол билан тенгдош бўлиш катта шараф, шу билан бирга улкан масъулиятдир. У мамлакатнинг янги даври билан бирга улғайганини, юртимиздаги ривожланиш ва янгиланиш босқичларини ўз кўзи билан кўрганини таъкидлайди. Бугун эса ўз билим ва тажрибаси билан мамлакатнинг рақамли келажагини қуриш жараёнида иштирок этаётганидан фахрланади.

Мустақиллик билан ҳамнафас йўл

Ҳар бир касбнинг ўз саҳнаси бор. Кимдир катта минбарларда сўзлайди, кимдир лойиҳалар яратади, яна кимдир эса кўпчилик нигоҳидан четда туриб, муҳим жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлайди. Аммо ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар турли соҳаларда орттирган тажрибасини бир нуқтага жамлаб, масъулиятли вазифаларни бажаришда ўз йўлини топади.

Алишер Оқиловнинг меҳнат йўли ҳам изланиш, тажриба ва турли касбий мактаблардан ўтиш билан ажралиб туради. У 1991 йил 25 ноябрда Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида таваллуд топган. Олий маълумотли мутахассис 2010–2014 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университетида компьютер графикаси ва теледизайн йўналишида таҳсил олди. Ёш мутахассиснинг меҳнат фаолияти ҳам ижодий-техник муҳитда бошланди. У 2015–2019 йилларда “Sinema Serves” МЧЖда монтажёр бўлиб ишлади. Монтажёрнинг иши кўпчиликка кўринмаслиги мумкин. Аммо экранда пайдо бўладиган ҳар бир яхлит манзара, ҳар бир изчил воқеа ортида ана шу кўринмас меҳнат туради.

2019 йилдан Алишер Оқилов ҳаётида янги саҳифа очилди. Унинг меҳнат фаолияти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғланди. 2019-2023 йилларда Жиззах вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасида матбуот котиби сифатида ишлади. Кейинчалик Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида турли вазифаларда фаолият юритди. Бугунги кунда эса у Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида Ахборот хизмати мутахассиси сифатида меҳнат қилмоқда.

Ҳар ким муваффақиятни турлича баҳолайди. Кимдир уни лавозим ёки мукофот билан ўлчайди, яна кимдир орттирилган тажриба билан. Алишер Оқилов эса ҳаётдаги энг катта ютуқларидан бири сифатида жамиятда ўз ўрнини топганини, соҳада кўплаб дўстлар ва аҳил жамоага эга бўлганини қадрлайди. Бу, аслида, катта ҳаётий хулоса. Чунки инсоннинг ёлғиз ўзи эришган муваффақиятидан кўра, у билан бирга меҳнат қиладиган, қувончини ҳам, масъулиятини ҳам бўлишадиган жамоанинг борлиги ҳам улкан бойликдир. Келгусидаги мақсадлари ҳам аниқ: янада юксак марраларни забт этиш, журналистика, қурилиш ва коммунал соҳаларини чуқур ўрганиш ҳамда орттирган билим ва тажрибасини халқ хизматига бағишлашдир.

Мустақиллик тенгдошлари учун истиқлол тушунчаси китоблардаги тарихий воқеагина эмас. У бутун бир авлоднинг ҳаёти билан ҳамнафас кечган жараёндир. Алишер Оқилов ҳам ўзини Ўзбекистон мустақиллиги билан тенгдош деб ҳис қилганда, аввало, қалбини фахр ва қувонч туйғуси эгаллашини таъкидлайди. Чунки унинг ҳаёт йўли ва мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихи деярли бир даврда бошланган. У улғайган сари юрти ҳам ривожланди, ўзгарди ва дунёда ўзининг муносиб ўрнини топиб борди.

Устоз сабоғи ва масъулият мактаби



Қурилиш соҳаси – катта масъулият ва тинимсиз меҳнат талаб қиладиган йўналиш. Бу соҳадаги ҳар бир бунёдкорлик иши, аввало, инсонларнинг ҳаёти ва келажаги билан боғлиқ. Шу боис мазкур касбни танлаган инсондан нафақат пухта билим ва тажриба, балки ўз ишига садоқат ва масъулият билан ёндашиш ҳам талаб этилади.

Шундай масъулиятли йўлни танлаган мутахассислардан бири – Дониёр Абдураззоқов. У 1991 йил 12 март куни Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ёшликдан билим олиш, замонавий соҳаларни пухта эгаллаш ва келгусида ўз меҳнати билан жамиятга наф келтиришни мақсад қилган Дониёр Абдураззоқовнинг касбий шаклланишида олий таълим йиллари алоҳида ўрин тутади.

У 2010–2014 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг бошқарув сервиси йўналишида бакалавр босқичида таҳсил олди. Билим ва малакасини янада ошириш мақсадида 2014–2016 йилларда бино ва иншоотлар йўналишида магистратура босқичини тамомлади. Бу йиллар нафақат назарий билимлар эгалланган, балки келгуси меҳнат фаолияти учун муҳим ҳаётий ва касбий тажриба тўпланган давр бўлди. Зеро, ҳар қандай мутахассиснинг камол топишида устозларнинг ўрни беқиёс. Йўналишда талабаларга чуқур билим ва амалий тажриба берган устозлар кўп бўлгани, айниқса, битирувчиларнинг мустақил меҳнат фаолиятига қадам қўйишида уларнинг маслаҳати ва тавсиялари муҳим аҳамият касб этгани бугунги кунда ҳам эътироф этилади.

– Йўналишимизда бизга билим ва тажриба берган устозларимиз кўп бўлган, – деди Дониёр Абдураззоқов. – Айниқса, олий таълимни тамомлагандан сўнг ҳар бир битирувчи талабанинг давлат идораларидаги меҳнат фаолиятини бошлашида институтдаги устозларимизнинг ўрни катта эди. Биз ҳам уларнинг тажрибаси ва тавсияларига таянган ҳолда меҳнат фаолиятимизни бошлаганмиз.

Бугунги кунда у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг Кўп квартирали уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Қурилиш соҳасидаги назорат – бу шунчаки вазифани бажариш эмас. Унда инсонлар ҳаёти ва хавфсизлиги, бунёдкорлик ишларининг сифати, меъёр ва талабларга риоя қилиниши каби муҳим масалалар мужассам. Шу боис, бу соҳада ишловчи ҳар бир мутахассисдан касбий билим билан бир қаторда ҳалоллик, масъулият ва фидойилик талаб этилади. Дониёр Абдураззоқовнинг кўп йиллик меҳнат фаолияти ҳам ана шу тамойиллар асосида давом этмоқда.

Фаолияти давомида у қатор ютуқ ва эътирофларга сазовор бўлди. Жумладан, 2022 йилда “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, турли фахрий ёрлиқлар, тақдимномалар ва рағбатлантиришлар унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Бироқ касбига садоқат билан ёндашадиган инсон учун энг катта мукофот ҳар доим ҳам кўкрак нишони ёки фахрий ёрлиқ билан ўлчанмайди. Баъзан ўз меҳнатинг самарасини кўриш, эл-юрт манфаати учун қилинган ишдан мамнун бўлишнинг ўзи ҳам катта ютуқдир. Дониёр Абдураззоқов ҳам бу борада энг муҳим натижа сифатида бугунги кунда сидқидилдан олиб борилаётган меҳнатни, халқ ва соҳа равнақига қўшилаётган ҳиссани қадрлайди.

Бизнинг ҳам ҳиссамиз бор

Статистик маълумотларга кўра, кейинги пайтда қадимий ва навқирон Самарқандга келаётган, уни қизиқиш билан зиёрат қилишга интилаётган сайёҳлар, айниқса хорижлик меҳмонларнинг сони тоборо ошиб бормоқда. Буни эътиборга олган ҳолда вилоятнинг туризм салоҳиятини янада кенгайтиришга жиддий аҳамият қаратиляпти. Шунингдек, тарихий-меъморчилик обидалари, ноёб ўтмиш ёдгорликлари кўркам кўриниш касб этиши учун кенг кўламдаги таъмирлашга киришилган. Қолаверса, янги меҳмонхоналар, туристик марказлар очилмоқда.

Жонибек ЮСУПОВ,
Самарқанд тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси бош муҳандиси.

Шу билан бир қаторда йўлларни кенгайтириш, равон бўлишини таъминлаш, пиёдалар йўлаклари қуришга аҳамият бериш кучаймоқда. Шу боисдан ҳам бугун биз, йўлсозларнинг қўли-қўлига тегмаяпти, десак муболаға бўлмайди. Шаҳарнинг асосий кўчалари, уларни боғловчи ички йўллар ва тротуарлар тобора замонавий қиёфа касб этмоқда. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосида амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида яшил ҳудудлар барпо этилиб, йўл бўйларини дарахтзор ва гулзорларга айлантириш ишлари изчил давом этмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам жамоамиз Самарқанд айланма йўлидан Хишрав қўрғони орқали шаҳарга кириб келувчи йўлни сифатли таъмирлаш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, йўлга асфальт ётқизиш, Дарғом канали устидан янги кўприк қуриш ҳамда замонавий тротуарлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу жараёнда ишчи-хизматчиларимиз билан бир қаторда кўприксозларнинг ҳам фидокорона меҳнати ва ишга шижоат билан ёндашаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Биз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига асосан жойларда янги йўллар бунёд этиш, таъмирлаш, йўлаклар барпо қилишда ҳам фидокорона меҳнат қилаяпмиз. Бу юмушларни вақтида ва сифатли бажариш эса улуғ байрамга муносиб тўёнамиз ҳисобланади.

Ғанимат фурсатлар

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Барча юртдошларимиз “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб янги ҳаёт ва келажак яратамиз” шиори остида кўтаринки руҳ ва фидокорона меҳнат билан бу улуғ айёмни муносиб кутиб олмоқда.

Улуғбек МАЖИДОВ,
Самарқанддаги “Ulug‘house” МЧЖ директори.

Байрамга муносиб туҳфа сифатида Самарқандниг темир йўл ортидаги ҳудудида бунёд этилаётган янги шаҳарчанинг илк биноси фойдаланишга топширилди. Биз бунёд этган 12 қаватли муҳташам турар жой биноси самарқандликлар учун муносиб байрам совғаси бўлди, дейишга тўла асос бор.

Айни пайтда ишчи-хизматчиларимизнинг ғайрат ва саъй-ҳаракатлари билан мазкур ҳудудда яна 10 дан зиёд ана шундай кўп қаватли турар жой биноларини барпо этиш ишлари бошлаб юборилган. Уй-жойлар билан бир қаторда, бош режа асосида зарур инфратузилма объектларини қуришга ҳам астойдил киришганмиз. Бунда аҳоли учун қулай, хавфсиз ва замонавий яшаш муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, барча ишлар ягона шаҳарсозлик концепцияси асосида, ўзаро уйғунликда амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганимга ҳам анча бўлди. Бугунги кунда 100 дан зиёд кишини иш билан таъминлаб, уларнинг муносиб меҳнат қилиши ва фаровон ҳаёт кечиришига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Сўзимни севимли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг қуйидаги тўртлиги билан якунлашни шараф деб биламан:

Шуҳрат қолдирмоққа Герострадек,
Диана маъбудин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.

№74-76 (1027-1029) 2026 йил 28 август, жума
O‘zbekiston bunyodkori ● Строитель Узбекистана



35 йиллик шарафли йўл

Ҳар бир халқнинг тарихида унинг келажагини белгилаб берадиган муҳим ва унутилмас воқеалар бўлади. Ўзбекистон халқининг ҳаётидаги ана шундай буюк воқеалардан бири – Ватанимиз мустақиллигининг эълон қилинишидир.

Юлдузхон БАХРОНОВА,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабаси.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1 сентябрь эса Мустақиллик куни сифатида белгиланди. Шу тариқа халқимиз ҳаётида янги ва муҳим тарихий давр бошланди.

Мустақиллик – халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаши ва келажагини ўз қўли билан бунёд этиш имкониятидир. Бугун биз учун оддийдек туюладиган кўплаб қадриятларнинг замирида ана шу улуғ неъмат мужассам. Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга бўлган эътибор янада кучайди. Она тилимиз, миллий маданиятимиз ва тарихий меросимизни асраб-авайлашга катта аҳамият берилмоқда. Аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий мероси ўрганилиб, уларнинг номи ва илмий фаолияти дунёга кенг танитилмоқда.

Юртимизнинг давлат рамзлари – байроғимиз, гербимиз ва мадҳиямиз ҳам мустақиллигимизнинг ёрқин тимсолларидир. Улар халқимизнинг тарихи, миллий ғурури, орзу-интилишлари ва Ватанга бўлган муҳаббатини ўзида акс эттиради. Байроғимиз ҳилпираганида қалбимизда Ватанга бўлган фахр ва ифтихор туйғуси уйғонади.

Бугунги Ўзбекистонни ёшлар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки мамлакатимизнинг эртанги куни, аввало, билимли, маърифатли, ватанпарвар ва фаол ёшлар қўлидадир. Ёшлар учун таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, илм-фан ва спорт билан шуғулланиш, ўз истеъдодини намоён этиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мустақиллик бизга нафақат ҳуқуқ ва имконият, балки катта масъулият ҳам юклайди. Ватан равнақи ҳар бир инсоннинг ўз ишига ҳалол ва масъулият билан ёндашишидан бошланади. Кимдир таълим бериш орқали, кимдир илмий изланишлари билан, яна кимдир ўз касбини сидқидилдан бажариш орқали юрт тараққиётига ҳисса қўшади.

Айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш муҳимдир. Чунки Ватанни севиш фақат сўзларда эмас, балки яхши ўқиш, билим олиш, ота-онани қадрлаш, устозларни ҳурмат қилиш, жамиятга фойдали инсон бўлиш ва ўз бурчини виждонан бажаришда намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлидан бориб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Бугун юртимизда бунёдкорлик ишлари, таълим ва илм-фан ривожи, замонавий шаҳар ва қишлоқларнинг ободлиги, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар мамлакатимиз келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамламоқда. Мустақиллик байрами бизга тарихимизни эслаш, бугунги тинч ва фаровон кунларнинг қадрига етиш ҳамда келажак ҳақида ўйлаш имконини беради. Бу кун қалбимизда Ватанга бўлган меҳрни янада мустаҳкамлайди.

Мен учун Ўзбекистон – туғилиб ўсган, орзуларим ва келажагим билан боғлиқ муқаддас Ватандир. Унинг равнақи ва тараққиёти ҳар биримизнинг эзгу ниятимиздир. Юртимизнинг келажаги қандай бўлиши эса бугунги авлоднинг билимига, меҳнатига ва интилишларига боғлиқ. Шундай экан, мустақилликни қадрлаш, унинг қадрига етиш ва уни янада мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Мустақиллик – бу бизнинг фахримиз, миллий ўзлигимиз ва ёруғ келажакка бўлган ишончимиздир.

Шу тупроқдан топдим бахтимни
Фарзандимни севганча севгум.
Юртга бўлган муҳаббатимни
Мендан тортиб ололмас ҳеч ким!

Байрам арафасида 12 та йирик объект ишга туширилди







Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида бир қатор янги қурилиш объектлари ишга туширилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида жами 12 объект – 3,1 триллион сўмлик 200 мегаваттли шамол электр станцияси ва 100 мегаваттли энергия сақлаш тизими, 153 миллиард сўмлик Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академияси, 12 миллион долларлик оҳак ишлаб чиқариш заводи, халқаро молия институтлари томонидан молиялаштирилиб, 167,7 миллиард сўм ҳисобидан реконструкция қилинган Манғит сув тозалаш иншооти, Нукус шаҳрида 15 миллион долларлик газоблок ишлаб чиқариш корхонаси, Кегейлида 4 миллион долларлик ДВП маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси каби объектлар ишга туширилди.

Бундан ташқари, Нукус тумани ҳудудида 60 миллиард сўмлик паррандачилик комплекси, Буюк Британиянинг 3,3 миллиард сўмлик Pearson Btec халқаро таълим дастури лойиҳаси, Нукус шаҳрида 21 миллиард сўмлик замонавий хусусий мактаб, Тахиатош туманидаги 8,5 миллиард сўм ҳисобидан янгидан қурилган 23-сонли умумтаълим мактаби, Чимбой туманида 13,4 миллиард сўмлик янги мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги байрами арафасида мана шундай савобли ишлардан бири амалга оширилди. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали раҳбарияти ўқиётган талабаларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжини босқичма-босқич тўлиқ қондиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда филиалнинг 400 ўринли замонавий талабалар турар жойи тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раҳбарияти, олий таълим муассасалари ректорлари, филиал профессор-ўқитувчилари, шунингдек талаба-ёшлар иштирок этиб, янги маскан билан яқиндан танишди.

– Ушбу объектнинг фойдаланишга топширилиши ёшлар ҳаётида муҳим қадам бўлиб, талабалар учун бундай замонавий шароитлар яратилиши таълим сифатини оширади ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллиги ва илмий изланишларига ҳам кучли туртки беради, – деди филиал директори А. Есимбетов. – Мазкур ётоқхона байрам арафасида фойдаланишга топширилгани билан ҳам рамзий маънога эга бўлиб, мамлакатда олий таълим тизимини ривожлантириш ва ёшлар учун қулай шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотларнинг изчил давом этаётганидан далолат беради.

Мазкур турар жой биноси 4 қаватдан иборат бўлиб, 400 ўринга мўлжалланган. Бинода тўлиқ жиҳозланган дарс тайёрлаш, маънавият ва маърифат, дам олиш, 8 та ошхона, ювиниш хоналари каби хоналар мавжуд. Шунингдек, имконияти чекланган талабалар учун ҳам алоҳида мослаштирилган хоналар ташкил этилгани эътиборга молик. Ётоқхонада нафақат яшаш учун қулай шароит, балки билим олиш, ижод қилиш ва бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун ҳам кенг имкониятлар яратилган.

Объект давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган йирик ижтимоий лойиҳалардан бири бўлиб, қурилиш ишлари 2024 йилда бошланган. Қисқа вақт ичида замонавий талабларга жавоб берадиган 4 қаватли иншоот тўлиқ якунланди. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 28 миллиард сўмни ташкил этади.

Шунингдек, шу куни Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳам 500 талабага мўлжалланган янги турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Ҳар бир янги иншоотда халқимизнинг қувончи бор



Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда давлат хизматларини соддалаштиришга қаратилган янги ислоҳотлар тармоқ ривожида муҳим босқични бошлаб бермоқда. Хоразм вилоятида Қурилиш ва уй-жой хўжалиги соҳасида назорат ҳамда давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳар бир замонавий бино, ҳар бир обод маҳалла, ҳар бир бунёд этилаётган иншоот ортида катта меҳнат, масъулият ва фидойилик мужассам. Қурувчилик – бу шунчаки касб эмас, бу келажак учун мустаҳкам пойдевор яратиш, инсонлар учун қулай ва фаровон шароитлар бунёд этишдек шарафли ва масъулиятли вазифадир.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш мажмуалари, йўл ва инфратузилма иншоотлари қад ростламоқда. Бу улкан бунёдкорлик ишларида қурилиш соҳаси вакилларининг муносиб ҳиссаси бор. Хоразм вилоятида 2 мингдан ортиқ объектларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида янги шаҳарлар пайдо бўлиб, аҳоли фақат уйли бўлиб қолмасдан, балки ижтимоий ҳаётда ҳам ижобий янгиланишларни сезмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида вилоятда 7 271 та хонадонли 172 та уй-жой қурилади. 30 та мактабгача ва мактаб таълими объектлари янгидан барпо қилиниб, реконструкция ва мукаммал таъмирланади.

Ана шундай улкан вазифаларни бажаришда сидқидилдан меҳнат қилаётган қурилиш соҳаси вакиллари давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизда бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқиш, замонавий ва қулай шаҳарлар барпо этиш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этишда қурувчиларнинг шарафли ва масъулиятли меҳнати бор. Албатта, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–66-сонли, 2026 йил 4 июндаги “Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–104-сонли фармонлари орқали қурилиш соҳасини рақамлаштириш, замонавий назорат механизмларини жорий этиш ва шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 4 июндаги 104-сонли фармонига асосан қурилиш-монтаж ишларини бошлашда тадбиркорларга бир қатор имкониятлар яратилди, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Хайдар Қаландаров. – Жумладан, 3 хил ҳолатда аризалар кўриб чиқиладиган бўлди. Яъни сунъий интеллект тахлил қилган ҳолатда, қайта таҳлиллашга юбориш мумкин бўлган ҳолатлар ва тўғридан-тўғри рад қилиш мумкин бўлган ҳолатлар қўшилди. Сунъий интеллект таҳлил қиладиган ҳолатлар буюртмачи томонидан ариза юборилган даврда сўровномада нотўғри маълумотларнинг киритилиши ёки кенгаш хулосасининг экспертиза хулосаси рўйхатдан ўтгани, буюртмачининг техник назорат, лойиҳа назоратчиси ҳамда пудратчининг ички назоратчи ходимлари бириктирилса, тўғри маълумотлар тўлдирилган пайтда ариза юборилиши шу ернинг ўзида рад қилинади. Қайта таҳлилга юбориш мумкин бўлган ҳолатда ҳам рад этишларнинг сонини камайтириш мақсадида яратилган. Бунда пудрат ташкилоти ёки лойиҳа ташкилотининг рейтинги етарли даражада бўлмаса, лаборатория шартномаси бошқа объектга олинган бўлса, у ҳолатда қайта таҳлиллашга юбориш мумкин. Объектда буздириладиган қисм бўладиган бўлса ёки судда бирон-бир низо бўлганда ҳамда рухсатнома олмасдан қурилиш-монтаж ишларини бошлаб қўйган бўлса, аризани тўғридан-тўғри рад қилишга асос бўлади. Яна бир муҳим масала. Сўнгги йилларда қурилишга рухсат бериш босқичлари 3 баробар муддатлари эса тўрт карра қисқартирилди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали эса 24 та замонавий платформа ишга туширилиб, асосий бошқарув жараёнлари рақамлаштирилди. Барча назорат жараёнлари рақамли форматга ўтказилди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси соҳада инсон омилини қисқартириш қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини ошириш бошқарувда юқори натижадорликка эришишга хизмат қилаётгани билан эътиборли.

Ҳудудий инспекция томонидан рўйхатдан ўтган 2 мингдан ортиқ қурилиш объектларида давлат қурилиши назорати белгиланган тартиб асосида амалга оширилмоқда. Белгиланган вазифаларни самарали ташкил этиш мақсадида ҳудудий инспекцияда 30 га яқин ваколатли инспекторлар фаолият юритмоқда. Назорат тадбирларининг очиқлиги, шаффофлиги ҳамда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида инспекторлар махсус боди камералар ва планшетлар билан таъминланган. Шунингдек, қурилиш объектлари инспекциянинг онлайн кузатув марказига интеграция қилинган. Инспектор объектга кирган пайтдан бошлаб назорат рақамли тарзда қайд этилади ва мониторинг узлуксиз давом этади. Назорат давомида аниқланган камчиликлар бўйича масъулларга махсус планшет орқали бажариши мажбур бўлган ёзма кўрсатмалар берилади. Агар ўша кўрсатмалар белгиланган муддатда бажарилмаса ёки қўпол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланса, махсус планшет орқали жойида маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Ҳар бир қурилаётган уй ортида оиланинг бахти, ҳар бир янги мактабда Янги Ўзбекистон фарзандларининг орзуси, ҳар бир обод маҳаллада халқимизнинг қувончи бор. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги ислоҳотлар, соҳа ходимларининг пешона тери ва ҳалол меҳнати натижасидир.

“Турон” стадионида ҳакамлар учун замонавий VAR тизими



Нукус шаҳрида қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётган Марказий “Турон” стадионида замонавий VAR – ҳакамлар қарорларини видеоёзувлар орқали қайта кўриб чиқиш тизими ўрнатилди.



Айни пайтда стадион қурилишининг сўнгги босқичлари амалга оширилмоқда. Яқин кунларда футбол ишқибозлари жаҳон футбол стандартлари талабларига жавоб берадиган, замонавий қулайликларга эга ушбу стадионда футбол ўйинларини томоша қилиш имконига эга бўладилар.

VAR тизими баҳсли ҳолатларни аниқлаш, ҳакамлар қарорларининг аниқлиги ва адолатлилигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур технологиянинг ўрнатилиши стадионда учрашувларни замонавий талаблар асосида ўтказиш, спорт инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Шу тариқа, Марказий “Турон” стадионида замонавий футбол учрашувларини юқори савияда ўтказиш учун яна бир муҳим имконият яратилди. Айни кунларда стадионни фойдаланишга топшириш олдидан сўнгги тайёргарлик ва қўшимча қулайликларни яратиш ишлари олиб борилмоқда.

1949

QISHLOQQURILISHLOYIHA

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
35 ЙИЛЛИГИ
БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустабид тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини бошлаб берган

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни чин қалбдан табриклаймиз!

Сизга қизиқарли ғоялар, муваффақиятли лойиҳалар, бунёдкорлик ишларингизда омад ва зафарлар тилаймиз. Бахт қасрингиз, умидларингиз ва қувончларингиз пойдевори мустаҳкам бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик, оилавий бахт, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши ва осмонимиз мусаффо бўлишини тилаймиз!









100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани,
А. Қодирий кўчаси, 7-уй.

info@qqloyiha.uz

+998 71 241 13 23



Гидроэнергетика: ишончлилик, самарадорлик ва барқарор тараққиёт

Бугун мамлакатимиз энергетика тизимида барқарорликни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергия ресурсларини тежаш ва энергетика объектларининг ишончли фаолиятини таъминлаш долзарб вазифалардан саналади. Айниқса, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, мавжуд энергетик қувватларни тўлиқ ишга солиш, янги имконият ва захираларни аниқлаш ҳамда тизимда самарадорликни ошириш масалалари давлатимиз раҳбари томонидан ёқилғи-энергетика соҳасига бағишланган йиғилишларда алоҳида таъкидланиб, мутасаддилар олдига аниқ вазифалар қўйилмоқда.

Ҳулкар ЖЎРАЕВА,
"Ўзбекгидроэнерго" АЖ Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тизимида ҳам устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бугун жамият тасарруфидаги барча гидроэлектр станциялар, каскадлар ва тармоқ корхоналарида белгиланган вазифаларни амалий натижага айлантиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бу жараёнда асосий мезон – гидроэнергетика объектларининг ишончлилиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва мамлакат энергетик барқарорлигини таъминлашдир.

Президент топшириқлари – аниқ натижа ва қатъий назорат

Давлатимиз раҳбари томонидан ёқилғи-энергетика соҳасига оид йиғилишларда белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти аввало, энергетика объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, технологик йўқотишларни камайтириш, энергия самарадорлигини ошириш ва ҳар қандай мавсумий юкламаларга пухта тайёргарлик кўришдан иборат.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖда ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тизимли мониторинг ва назорат механизми йўлга қўйилган. Жамиятда мунтазам равишда видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, мавжуд ҳолат танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқилмоқда. Ҳар бир йўналиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар белгиланиб, уларнинг ижроси жойларда ўрганиляпти. Айниқса, гидроэлектр станцияларнинг асосий ва ёрдамчи технологик ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш, таъмирлаш ишларини белгиланган муддатларда сифатли якунлаш, гидроагрегатлар, гидрогенераторлар, куч трансформаторлари, тақсимлаш қурилмалари, гидромеханик ва электр ускуналари, релели ҳимоя ва автоматика тизимларининг техник ҳолатини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, электр узатиш тармоқларининг ҳолати, юқори кучланишли синовларнинг ўз вақтида ўтказилиши, трансформатор ва турбина мойларининг лаборатория таҳлиллари, мавжуд техник нуқсонларни бартараф этиш чоралари ҳам комплекс равишда ўрганилмоқда.

Бу ишлардан кўзланган мақсад битта – эҳтимолий носозлик ва авариявий ҳолатларни олдиндан аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда ГЭСларнинг узлуксиз ва ишончли ишлашини таъминлаш.



Ишчи гуруҳлар фаолияти – масъулият ва назоратнинг амалий ифодаси

Белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида "Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг тегишли буйруғи асосида ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Улар томонидан жамият тизимидаги филиал, каскад ва гидроэлектр станцияларда амалга оширилаётган ишлар ҳолати жойларга чиққан ҳолда ўрганилмоқда.

Акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси Ислом Абдураҳмонов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан жамият тизимидаги гидроэлектр станциялар, ГЭСлар каскадлари ва сув омборларида жойига чиққан ҳолда комплекс амалий ўрганишлар давомида ҳар бир объектнинг техник ва ишлаб чиқариш ҳолати, асосий ҳамда ёрдамчи технологик ускуналарнинг ишончлилиги, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, таъмирлаш ишларининг сифати, куз-қиш мавсумига тайёргарлик даражаси ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинмоқда. Бошқарув раисининг объектларга шахсан ташриф буюриб, ишлаб чиқариш жараёнлари ва мавжуд ҳолатни жойида ўрганиши ҳар бир вазифага алоҳида эътибор ва юксак масъулият билан ёндашилаётганини кўрсатади. Ўрганишлар натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ускуналарнинг ишончлилигини ошириш, энергия самарадорлигини таъминлаш ва объектларнинг барқарор фаолиятини янада мустаҳкамлаш бўйича масъулларга аниқ топшириқ ва вазифалар белгилаб бериляпти.

Бундай комплекс ва тизимли назорат нафақат мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, балки эҳтимолий хавфларни олдиндан кўра билиш, уларнинг олдини олиш ҳамда гидроэнергетика объектларининг узлуксиз ва ишончли ишлашини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ўрганишлар давомида ҳар бир объектнинг техник ҳолати чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилаётганда асосий эътибор фақат мавжуд ҳолатни қайд этишга эмас, балки келгусида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни олдиндан баҳолаш ва уларнинг олдини олишга қаратилаётгани билан аҳамиятлидир.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик – энергетик барқарорликнинг муҳим шарти

2026-2027 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тизимидаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда барча ГЭСларда режали таъмирлаш ишларини сифатли якунлаш, асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг техник ҳолатини қайта кўриб чиқиш, зарур эҳтиёт қисмлар ва материаллар захирасини шакллантириш, сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг хавфсиз эксплуатациясини таъминлаш бўйича ишлар жадал давом этмоқда. Хусусан, гидроагрегатлар, гидромеханик қурилмалар, электр ускуналари, релели ҳимоя ва автоматика тизимлари техник кўрикдан ўтказилиб, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Бу жараёнда авариявий ҳолатларнинг олдини олиш масаласи ҳам алоҳида назоратда. Малакали навбатчи гуруҳларнинг шакллантирилиши, уларнинг зарур материаллар, махсус асбоб-ускуналар, ҳимоя воситалари ва автотранспорт билан таъминланганлиги, кундузги ва тунги кўрикларнинг белгиланган тартибда ўтказилиши мунтазам баҳоланмоқда. Жамият тизимида эълон қилинган "Фавқулодда ойлик" доирасида ҳам бу борадаги профилактик ва ташкилий ишлар янада кучайтирилди.

Самарадорлик – ички имконият ва захираларни ишга солишдан бошланади

Гидроэнергетикада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, мавжуд ресурслардан оқилона ва тежамкор фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, "Ўзбекгидроэнерго" тизимида энергия самарадорлигини ошириш, технологик сарф ва йўқотишларни камайтириш, ички имконият ва захираларни аниқлаш бўйича комплекс таҳлиллар олиб борилмоқда. Ҳар бир ГЭСда энергия ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги, технологик эҳтиёжларга сарфланаётган ресурслар, ускуналарнинг ишлаш режими ва мавжуд имкониятлар ўрганиляпти.

Бугунги талаб эса фақат кўпроқ энергия ишлаб чиқариш эмас, балки уни энг кам ресурс сарфи билан, юқори ишончлилик ва самарадорлик асосида ишлаб чиқаришдир.

Рақамлаштириш ва сунъий интеллект – гидроэнергетиканинг янги имкониятлари

Замонавий гидроэнергетика тараққиётини рақамли технологиялар ва инновацион ечимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тизимида ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, автоматлаштириш ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш масалаларига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Сунъий интеллект технологиялари ёрдамида технологик ускуналар ҳолатини реал вақт режимида мониторинг қилиш, эҳтимолий носозликларни олдиндан прогнозлаш, хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари кенгаймоқда.

Бу жараён гидроэнергетика объектларида профилактик таъмирлашга ўтиш, инсон омили билан боғлиқ хавфларни камайтириш ва бошқарув қарорларининг тезкорлиги ҳамда аниқлигини ошириш учун муҳим замин яратади.

Мустақилликнинг 35 йиллиги – юксак тайёргарлик ва ободлик руҳида

Айни кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги энг улуғ саналардан бири – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ушбу қутлуғ санани "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тизимида ҳам юқори савияда нишонлаш, меҳнат жамоаларида байрамона ва кўтаринки муҳит яратиш, гидроэнергетика объектларини обод ва замонавий қиёфага келтириш бўйича кенг кўламли ишлар ташкил этилган. Жамият раҳбарияти топшириқлари асосида барча ГЭСлар, каскадлар, филиаллар ва таркибий корхоналарда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ҳудудларни тартибга келтириш, ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар атрофини обод қилиш, яшил майдонларни кенгайтириш ҳамда объектларни байрамона безатиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Дарахт ва манзарали кўчатларга агротехник ишлов бериш, янги кўчатлар ва гуллар экиш, ички йўллар, ишлаб чиқариш майдонлари ва маъмурий бинолар атрофини тартибга келтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунингдек, ГЭСлар ҳудудларида Мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган баннер ва тарғибот материалларини ўрнатиш, маънавий-маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ишлари ҳам тизимли равишда олиб борилмоқда.

Мустақиллик байрамига тайёргарлик фақат ҳудудларни безатиш ёки ободонлаштириш билан чекланиб қолмаяпти. Бу жараён, аввало, ҳар бир меҳнат жамоасида дахлдорлик, масъулият ва Ватанга садоқат туйғусини янада мустаҳкамлашга қаратилган. "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" деган эзгу ғоя атрофида бирлашган муҳандис ва мутахассислар, ишчи-хизматчилар, ёшлар ҳамда барча меҳнат жамоалари ўз меҳнат масканларини обод ва файзли ҳудудларга айлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Шу маънода, Мустақилликнинг 35 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик ишлари гидроэнергетика тизими ходимларининг ўз касбига, меҳнат жамоасига ва Ватан тараққиётига бўлган юксак масъулиятининг амалий ифодасига айланмоқда.

Ободлик ва ишлаб чиқариш маданияти – бир бутун тушунча

Бугун ГЭСлар фақат электр энергияси ишлаб чиқариладиган стратегик объектлар эмас. Улар замонавий ишлаб чиқариш маданияти, меҳнат хавфсизлиги, экологик масъулият ва юқори меҳнат интизоми уйғунлашган маскан бўлиши лозим. Шу боис, объектларда санитария ҳолати, ободонлаштириш даражаси, ишлаб чиқариш маданияти, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ҳам комплекс ўрганишларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, иш жойларида хавфсизлик талабларига қатъий амал қилиш, ҳудудларни тоза ва обод сақлаш борасидаги ишлар ишлаб чиқариш самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки обод ва тартибли муҳит, аввало, меҳнатга муносабатни, жамоадаги кайфиятни ва ишлаб чиқариш маданиятини белгилайди.

Бир мақсад сари – ишончли ва барқарор гидроэнергетика тизими

Бугун "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тизимида амалга оширилаётган ишлар бир-биридан алоҳида йўналишлар эмас, балки ягона стратегик мақсадга хизмат қилувчи яхлит жараёндир.

Биринчи йўналиш – Президентимиз томонидан ёқилғи-энергетика соҳаси бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш.

Иккинчи йўналиш – ГЭСларнинг техник ишончлилигини мустаҳкамлаш, электр энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва 2026–2027 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш.

Учинчи муҳим йўналиш – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб меҳнат, обод ва файзли масканлар, юксак ташкилий даража ва кўтаринки руҳда қарши олиш.

Бу вазифаларни бирлаштириб турган асосий мезон эса – масъулият, интизом, сифат ва натижадорлик. Жамият Бошқарув раиси Ислом Абдураҳмонов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳларнинг жойларда олиб бораётган комплекс ўрганишлари ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ҳар бир ГЭСнинг техник ҳолати, ҳар бир ускунанинг ишончлилиги, ҳар бир таъмирлаш ишининг сифати, ҳар бир объектнинг ободлиги ва ҳар бир ходимнинг меҳнат хавфсизлиги умумий натижанинг муҳим таркибий қисми сифатида баҳоланмоқда.

Зеро, гидроэнергетикада ишончлилик – энергетик барқарорликнинг, самарадорлик – иқтисодий тараққиётнинг, ободлик ва юксак меҳнат маданияти эса жамоавий масъулиятнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бу эса, мамлакат энергетик хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фаолият юритаётган гидроэнергетика соҳаси жамоаларининг масъулиятли ва фидокорона меҳнати самарасидир.

Оддий кунларнинг катта бахти

– Ассалому алайкум, нон борми?

Эрта тонгда новвойхонага бориб сўрайман.

– Ҳа, мана, ҳозиргина келтиришди. Елим пакетга солмайман, эритиб юборади, – деди новвой иккита нонни узата туриб. – Фақат эҳтиёт бўлинг, қўлингиз куймасин, жуда иссиқ.

"Жуда иссиқ"...

Дўкондан чиқар эканман, шу жумла қулоғимдан кетмади. Нондек иссиқ яна нима бор экан бу оламда? Қуёшми? Йўқ, қуёш тагида кўп туриш ҳам зиён. Ёки қайноқ чойми? Йўғе-ей, қайноқ чой тилни куйдиради-ку! Балки, онанинг қучоғи, отанинг қувончи, Ватаннинг меҳри...



Зулфизар МАВЛОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳа, Ватаннинг меҳри. Аммо, уни қуёшнинг тафти билан ҳам, қайноқ чойнинг ҳарорати билан ҳам ўлчаб бўлмайди. Юртнинг иссиқлиги қалбни илитади, кўнгилни қувнатади. Бу илиқлик дилда барҳаёт экан, инсон қаерга бормасин, ундан қанча узоқлашмасин, қайтиб келгиси келадиган бир жойи бўлади. У – Ватан!

Баъзан Ватан ҳақида ўйлаш учун катта воқеалар ҳам шарт эмас. Эрталаб эшикдан чиқиб, таниш кўчадан ўтиш, йўл-йўлакай саломлашадиган одамни кўриш, ўз тилида бир сўзни эшитишнинг ўзи кифоя. Масалан, қадрдон кўчаларимизда илиб қўйилган "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" шиорини ўқиб, 35 йил ичида Ўзбекистонни қамраб олган беҳисоб ўзгаришлар, ён-атроф чиройи, тоғу тошларнинг салобатини кўз олдимизга келтирамиз. Уйимиз яқинида тўп тепиб юрган, қумларга буланиб ўйнаётган болажонларнинг кулгусидан завқ оламиз. Ўқувчиларнинг хавфсизлиги-ю, ёшларнинг беташвиш сайр қилиб юришидан, ота-оналаримизнинг ишга бехавотир бориб келишларидан кўнглимиз тўқ. Сувсизликдан, нонсизликдан қийналишимиз эса, ҳатто, тасаввуримизга ҳам сиғмайди. Негаки, меҳнат қилсак, мол-мулк ва ноз-неъматларни бемалол харид қила олишимизга ишонамиз. Чунки юртимиз тинч.

Қаердадир портлаш содир бўлиши ёки кимдир жароҳатланиши мумкинлиги ҳақида ўйламаймиз ҳам. Шукрки, юртимизда тотувлик ҳукмрон. Кўз тегмасин. Айрим давлатлардаги каби ҳокимият талашуви, уруш йўқ бизда. Ҳамд айтишга арзигулик бойликларимиз етарли. Асосийси, эркимиз қўлимизда ва бунинг қадрини билиб яшашнинг ўзи катта бахт.

Биласизми, биз шу тинчлик бахтини ҳар куни кўрамиз. У биз билан бирга нафас олади. Эрталаб эшикни очганимизда, қарши олади. Кеч тушиб, уйимизга қайтганимизда, бағрига олади. Осуда ҳаёт ичида бор жойда бола беғам кулади, она хотиржам меҳр кўрсатади, ота эса эртанги кун учун режа тузади.

Биз бўлсак, кўпинча кўз ўнгимиздаги мўъжизаларни оддий ҳол, деб қабул қиламиз. Осмонга қараб, унинг мусаффолигидан ҳайратланмаймиз. Кўчаларда одамларнинг шошиб-қайтиб юрганига, бозорларда савдо-сотиқ қизғинлигига, мактабларда қўнғироқлар чалинаётганига, далаларда меҳнат қайнаётганига одатланиб қолганмиз. Аслида эса, буларнинг ҳар бири тинч ҳаётнинг майда лекин, қимматли ва қийматли белгиларидир.

Ватанни севиш ҳам эҳтимол, шу оддий нарсаларни қадрлашдан бошланар. Унинг тупроғини ўпиш, баландпарвоз қасамлар ичиш ёки ҳар куни "Ватан" сўзини такрорлаш шарт эмас. Ўз ишини сидқидилдан бажариш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, кўчадаги дарахтларни асраш, боланинг қўлидан тутиб, йўлдан ўтказиш, кексаларни ҳурмат қилиш, она тилидаги бир сўзни асраб-авайлаш ҳам Ватанга бўлган муҳаббатнинг бир кўриниши.

Ватан харитадаги чегаралардан таркиб топмаган. У тонгда деразамиздан тушган нур, тандирдан чиққан иссиқ нон ҳиди, онамизнинг "болам", деган бир оғиз сўзи, болаликда югурган кўчаларимиз, биринчи устозимизнинг овози...

Қайси томонга кетмайлик, барибир, соғинадиган манзилимиздир. Шунинг учун ҳам Ватаннинг меҳри ўлчанмайди. Уни ҳарорат кўрсаткичи билан ҳам, масофа билан ҳам, йиллар билан ҳам белгилаб бўлмайди. У инсоннинг қалбида бўлади. Қалбдаги бу илиқлик эса бир кун келиб, бизга яна ўша тонгни, ўша новвойхонани, ўша таниш кўчани соғинтириб қўяди...

Шу хаёллар билан қўлимда икки дона иссиқ нонни олиб, новвойхонанинг эшигидан чиқдим. Ич-ичимдан шуни англадимки, ноннинг иссиғи қўлимни илитади, Ватаннинг ҳарорати эса бутун умримга қувват беради.

O‘ZSHAHARSOZLIK
LOYIHA ILMIY TADQIQOT INSTITUTI
1928

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР,

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУБОРАК!








Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, фаолиятингизга эса янги марралар тилаймиз.


ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
ХАЛҚИМИЗНИНГ СЕВИМЛИ АЙЁМИ –
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУБОРАК БЎЛСИН!
Барчангизга соғлик, бахт-саодат ва улкан муваффақиятлар тилаймиз.


ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР,
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
35 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН.
35
Сизларга мустаҳкам соғлик, хонадонларингизга тинчлик ва фаолиятингизга улкан зафарлар тилаймиз.



“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Тошкент туманлараро иқтисодий судининг **2023 йил 27 мартдаги 4-1001-2213/70662**-сонли иқтисодий иш қарорига асосан тугатилаётган **“SOLIH YO‘L”** МЧЖ суд тугатиш бошқарувчиси томонидан ва 2026 йил 24 августдаги 27//26-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Сурхондарё вилояти Денов тумани, “Янги хазарбоғи” МФЙ, Саодат кўчаси, 50-уй манзилида жойлашган, **умумий ер майдони** – 159,00 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 139,10 квадрат метр, **кадастр рақами:** 19:04:42:01:05:00452 бўлган устахона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 40 224 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк бўйича аукцион савдо 2026 йил 29 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2026 йил 28 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 29 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолари 2026 йил 1 маротаба 15 кун оралиғида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Риштон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 22 сентябрдаги 4-1505-2502/6006-сонли аҳримига асосан банкрот, деб эътироф этилган **“Yog‘-moy Fergana eksport” МЧЖ** суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 24 августдаги 2249-сонли алоқа хатига асосан, жамиятга тегишли қуйидаги кўчар ва кўчмас мулклар электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:

Фарғона вилояти, Фарғона туманида жойлашган “Yog‘-moy Fergana eksport” МЧЖга тегишли **ёрдамчи қишлоқ хўжаликларининг ерлари ва ундаги ҳар хил турдаги товар- моддий бойликлари ва мевали дарахтлар** ҳамда шу боғ учун ажратилган **28,41 Га ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи** фермер хўжалиги сифатида фойдаланиш учун (Ер участкасининг кадастр рақами: 15:13:000000327). **Бошланғич баҳоси** – 1 271 835 000,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 29 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 28 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 29 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш охирги савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб тўлаш лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 99-911-82-89, 90-407-07-62.

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 27 – 31 август, 1 – 7 сентябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Тўлқин Ҳасанов,** Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Омонжон Абдуллаев,** Лицензиялаш ва аккредитациялаш бўлими бошлиғи **Нодир Абдуалиев,** Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Баҳодиржон Ортиқбоев,** хизмат хоналари фарроши **Гулноза Юнусова,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Йиғма-таҳлил ва методология бошқармаси бош мутахассиси **Акмалбек Мақсудов,** ҳайдовчи **Маҳамаджон Муҳрумджанов,** Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими етакчи мутахассиси **Тоҳиржон Юнусов,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” мутахассиси **Шуҳрат Ҳамдамов,** ҳайдовчи **Иззатилла Юлдашев,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Шаҳбоз Холмўминов,** мутахассислар **Лолахон Бекчанова,** бўлим бошлиғи **Шоҳжаҳон Исломов,** бош мутахассис **Хуршида Таджибаева,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ бўлим бошлиғи **Алимжон Содиқов,** ҳайдовчи **Шоҳруҳ Пардаев,** муҳандис **Нозима Тўйчиева,** бўлим бошлиғи **Ўғилой Шоқаландарова,** Ғарбий филиали ҳайдовчиси **Шуҳратжон Орзиқулов,** муҳандис **Нодирбек Зокиров,** “Хоразм” филиали етакчи муҳандиси **Фозил Ботиров,**

“Ўзғирсаноатлойиҳа” АЖ ГИТ архитектори **Гулнора Ганиходжаева,** ООПР фарроши **Алтынай Бўрибаева,** ВК етакчи мутахассиси **Галина Архангельская,** АСС-1 бош мутахассиси **Лазиз Юлдашев,** СКОА етакчи мутахассиси **Нигора Тошпўлатова,** УПРО молиявий ва иқтисодий масалалар бўйича иқтисодчи **Лазизхон Шаропов,** ВК катта муҳандиси **Екатерина Головина,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Елена Соколова,** 3-устахонаси архитектори **Дилшод Саъдуллаев,** Жиззах филиали директори **Беҳрўз Қосимов,** 8-устахонаси техниги **Зилола Шахабутдинова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси **Шарипа Абдразиева,** Девонхона ва ижро назорати бўйича бош мутахассиси **Исламбек Медетбаев,** Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мансур Қўчқоров,** Нукус тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Алламберген Толыбаев,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ичимлик суви ва оқова иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи **Ҳабибулло Эрматов,** Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Шеҳрозбек Ҳурбоев,** Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бош мутахассиси **Мансур Қодиров,** Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси етакчи мутахассиси **Бекзодбек Сотволдиев,** Бўстон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Исломбек Содиқов,** Жалақудуқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Акбаржон Аҳмаджонов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси инсон ресурсларини бошқариш бўйича бош мутахассиси **Шерзод Холиёров,** Муборак тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Баҳром Шукуров,** Қарши шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Хуршид Равшанов,**

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Иссиқлик таъминоти назорати хизмати бош мутахассиси **Фаррух Мамаджанов,** Соҳага инновацион ва муқобил технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бошқармаси етакчи мутахассиси **Фахрилла Рихсиев,** Андижон вилояти филиали инспектори **Абдумуталиб Бакиров,** Самарқанд вилояти филиали бўлим бошлиқлари **Жамолиддин Хусанов, Зафар Бобоёров,** Қашқадарё вилояти филиали назоратчиси **Пардахол Тожиева,** Тошкент вилояти филиали директорининг молия-иқтисод ва рақамли ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари **Зиядула Умаров,** ҳайдовчи **Аҳмаджон Сапарматов,** Бўстонлиқ тумани филиали ПОЭСИ қозонхона қоровули **Шокир Исмаилов,** Товоқсой қозонхона қоровули **Мансур Эгамбердиев,** Қибрай тумани филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Мирсалим Маҳаматов,** Қибрай тумани филиали 4-сонли қозонхона қоровули **Улкмурод Инотов,** Оҳангарон шаҳар филиали қозонхона устаси **Халдархон Касимов,** назоратчи-ҳисобга олувчи **Дилноза Алиева,** Янгибозор тумани филиали қозонхона устаси **Фарҳод Юсупов,** Янгийўл шаҳар филиали қозонхона устаси **Дилшод Жумабоев,** Тошкент тумани филиали НЎА чилангари **Айсажон Пахаев,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборот телекоммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи **Музаффаржон Абдулҳамитов,** Ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Оқилжон Адҳамов,** Ахборот-таҳлил қилиш ва мониторинг юритиш бўлими бош мутахассиси **Ёқубжон Қўчқоров,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Фарҳод Мусурмонов,** лаборант **Эргашбой Ҳайдаров,**

Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “Nuriston Kelajagi Boshqaruv Servis Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Нормўмин Менглиев,** Қарши шаҳридаги “Шўртангазчилар Плюс” БСК МЧЖ бош директори **Шоҳсанам Джўраева,** Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Temur-Termez-Servis” БСК МЧЖ бош директори **Татяна Рўзиева,** “Sardorbek Elnur Termez” БСК МЧЖ бош директори **Саломат Мейлиева,** Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги “Yangibozor New Servis Bk” БСК МЧЖ бош директори **Жамила Раҳимова,** Тупроққалъа туманидаги “Дружба фатон” БСК МЧЖ бош директори **Балтобой Саидабдуллаев,** Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Oltinko‘l Kommunalchi” БСК МЧЖ бош директори **Ольга Гольдварт,** Мирзо Улуғбек туманидаги “Navnihol Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Зульфия Таджимуратова,** “Oqqo‘rg‘on Servis” БСК МЧЖ бош директори **Татьяна Безбородова,** Яккасарой туманидаги “Istambul city servis group” БСК МЧЖ бош директори **Бахтиёр Эргашев,** Янгиҳаёт туманидаги “Буюк ҳамжиҳат сервис БК” МЧЖ бош директори **Музаффар Ортиқов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 841.
1261 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 20.50 Топширилди – 01.40.

Газетанинг навбатдаги сони 8 сентябрь куни чиқади.



“SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI” ДМ

ва унинг ҳудудий бошқармалари жамоалари

35 йил

ИСТИҚЛОЛНИНГ МУБОРАК ТАНТАНАСИ БАРЧАНГИЗГА ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Сизларга мустаҳкам соғлик, тинчлик-хотиржамлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз.